БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 183 (1703)
14 СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тиин.

Англиядаги „Дейли экспресс“ газетаси редакторининг саволларига Н. С. ХРУШЧЕВнинг жавоблари

«БАЛТИКА» ТУРБОЭЛЕКТРОХОДИ БОРТИ, 13 СЕНТЯБРЬ. Англиядаги «Дейли экспресс» газетасининг редактори Н. С. Хрушчевдан бир қанча саволларга жавоб беришни сўраб, «Балтика» турбоэлектроходига телеграмма юборди. «Дейли экспресс» газетасининг саволларига Н. С. Хрушчевнинг берган жавоблари қуйида эълон қилинади.

Савол. Соҳилларимиз ёнидан ўтиб бора туриб, Сиз Британия жамоатчилигига нималарни айтишни истар эдингиз?

Жавоб. Мен, аввало, Британия жамоатчилигига самимий салом йўллашни истар эдим. Совет Иттифоқида бизнинг тушунишимизча кўпгина актуал халқаро масалаларда бизнинг фикримиз билан Британия жамоатчилигининг фикри мос бўлиб тушмоқда. Британия жамоатчилиги, — мен бу сўзнинг кенг маъносидаги жамоатчиликнигина назарда тутиб гапираётирман, — халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, совуқ уруш ҳолатини тугатиш ва қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш позициясида турибди. Бу эса, бутун дунёда тинчликни таъминлашга ёрдам беради. Биз ҳам шу позицияда турибмиз. Дуруст, халқаро проблемаларни тушунишда бизда бошқача нуқтаи назарлар ёки фикрлар ҳам бор, лекин такрор айтаманки, мен кенг маънодаги Британия жамоатчилиги ҳақида гапираётирман, бу жамоатчиликнинг мутлоқ кўпчилиги тинчлик ва дўстлик позициясида турибди. Шу сабабли, мен мамлакатингиз жамоатчилигига муваффақиятлар тилашни истар эдим, тинчлик ва дўстлик учун, давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун курашда ўзининг куч ва ғайратини бўшаштирмаслигини истар эдим. Бунга фақат муайян мақсад йўлида қаттиқ жазм қилиб ишлаш йўли билангина эришиш мумкин. Халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик шу қадар олижаноб мақсаддирки, биз ҳаммамиз бу мақсадга эришмоқ учун ўзимизнинг куч ва ғайратимизни аямаслигимиз лозим.

Савол. Сизнинг АҚШда бўлишингизни Нью-Йоркдаги Манхеттен райони билан чеклаб қўйиш тўғрисида Америка ҳукумат маъмурларининг қарорига Сиз қандай баҳо берасиз?

Жавоб. Сиз, жаноб редактор, ғалати саволни бераяпсиз. Шахсан мен давлат департаменти эълон қилган қарорга баҳо беришда сиз билан бизнинг тутган йўлимиз бир хил бўлса керак, деб ўйлайман. Агар сиз бу қарорни нормал бир қарор деб ва бундай чеклаб қўйишни, айтиш мумкинки, тартиб доирасидаги нарса деб ҳисоблаганингизда эди. Сиз менга бу саволни бермаган бўлур эдингиз. Модомики Сиз бу саволни, берган экансиз, демак Сиз ўзингиз бундай қарорни ақлга тўғри келмайдиган қарор деб ҳисоблаётган бўлсангиз керак. Сизнинг бу фикрингизга қўшилиш мумкин. Мен ҳам буни ақлга тўғри келмайдиган қарор, деб ўйлайман. Менинг бундай ўйлаётганимнинг сабаби нима, бунинг сабаби шуки, менинг бориш жойларимни чеклаб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳукумат мажлисида қатнашмоқ учун мен бораётган ташкилотнинг фаолиятига нисбатан яхши ниятлар билан иш қилмаган бўлса керак. Бинобарин, бу ҳукумат ўзининг ҳал этилишини талаб қилиб турган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг муҳокамасига қўйиладиган масалаларни бартараф қилиш ишига хайрихоҳлик кўрсатмаётир.

Қўшма Штатлар ҳукумати бутун инсоният учун ҳаётий муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган қарорларга келиш йўлини ҳақиқатан топиш керак, деган яхши ниятлар ва истаклар билан иш олиб борганида эди, у мени бундай ҳолатга солиб қўйишни истамаган бўлур эди. Бундай қарор мени вакил қилиб юборган мамлакат билан шу ҳукуматни вакил қилган мамлакат ўртасида яхши ҳамжиҳатлик бўлишига йўл очиб бермайди-ку, ахир. Биз у ёки бу кишини, у ёки бу ижтимоий сиёсий тузумни шахсан ёқтиришимиз ёки ёқтирмаслигимизга қараб иш қилмасдан, балки планетамизда вужудга келган шарт-шароитни реал ҳисобга олишимиз лозим. Ҳақиқий аҳволга асосланиб иш олиб боришимиз ва бир қанча мамлакатларда мустаҳкамланиб олган ва хийли муваффақиятли ривожланиб борищ билан бирга ўз тараққиётида эски, капиталистик тузумдан ўзиб ҳам кетаётган социализмни бугунги кунда капитализм елкаси билан туртиб ҳам, ёки бошқача бирор йўл билан ҳам силжитолмаслигини эътироф қилишимиз лозим. Бу эса социалистик тузумнинг ҳозирги кундагина мустаҳкам бўлиб қолмасдан шу билан бирга унинг улуғ келажаги ҳам борлигини кўрсатиб турибди.

Гап шундаки, социалистик мамлакатлар ва капиталистик мамлакатлар мавжуд бўлиб турган шароитда давлатлар қандай қилиб бирга яшаяпти, деган саволга жавоб топмоқ керак. Бунинг учун, аввало, бутун дунёда тинчликни ва тинч-тотув яшашни, ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч мусобақа қилишини таъминламоқ керак. Бу мақсадга эришмоқ учун эса, ҳал этилмаган халқаро проблемаларни тинч бартараф қилиш йўлини топмоқ ва барча давлатлар ўртасида, имкони борича, нормал муносабатлар бўлишини таъминламоқ керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини бутун чоралар билан мустаҳкамламоқ керак, чунки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шундай жуда муҳим халқаро органдирки, бу органда ҳам у системага, ҳам бу системага мансуб бўлган давлатларнинг вакиллари бор. У ёки бу давлат арбобида муносабат — кўпгина сабабларга боғлиқдир. Албатта, мен Американинг ҳукумат маъмурлари шахсан менга нисбатан қандайдир алоҳида муносабатда бўлсинлар, деб талаб қилмайман. Лекин мен ўз халқим ва ҳукуматимдан бутун дунёда тинчликни таъминлаш имкониятларини қидириш тўғрисида ваколатлар олган кишиман. Шунинг учун ҳам мен бу ишни бажариб келдим ва бундан буён ҳам зўр сабот билан бажара бераман. Равшандирки, матбуотнинг хабарларига қараганда, АҚШнинг ҳукумат маъмурлари менга нисбатан кўрмоқчи бўлган чораларни на идеологик сабаблар билан, на ахлоқий сабаблар билан асослаб бўлмайди. Ҳар ҳолда, шундай қарор қабул қилмоқчи бўлганлар етилган халқаро масалаларни ҳал қилиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясидаги делегацияларнинг ҳамкорлик қилишлари учун яхшироқ шароит вужудга келтириш истаги билан иш қилмаган бўлсалар керак.

Савол. Конгодаги аҳвол хусусида ёки бошқа бирор масалага доир бирор фикр айтишни истамайсизми?

Жавоб. Сиз берган савол катта аҳамиятга эга. Сиз Конго масаласини биринчи ўринга қўйганингиз тўғри. Дарҳақиқат, ҳозир Конго жаҳондаги барча давлат ва сиёсат арбобларининг фикрини банд қилиб турибди. Ҳозирги вақтда кўп мамлакатларнинг сиёсати ва, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сиёсати уларнинг Конгога қандай муносабатда бўлишларига қараб сиповдан ўтмоқда. Маълумки, Хавфсизлик Кенгашининг қарори билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари жаноб Хаммаршельда Африкадаги бу янги давлатнинг мустақиллигини ва суверенлигини таъминлашда Конго ҳукуматига ёрдамлашмоқ учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўриш вазифаси топширилди. Аммо Конгодаги воқеалар қандай ривожланиб бораётганлиги таҳлил қилиб кўрилса, катта афсус билан шуни эътироф қилиш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари жаноб Хаммаршельд ўзига юклатилган вазифаларни бажармаётир. Жаноб Хаммаршельднинг қилаётган ҳаракатлари аслини олганда, мустамлакачилик позициясида туриб келган ва турган мамлакатларнинг сиёсатига ёндошиб кетмоқда.

Жаноб Хаммаршельднинг Конгога нисбатан ўтказаётган сиёсатини бу мамлакатлар баралла ёқлаётганликлари тасодифий бўлмаса керак. Бундай мақтов қойишдан кўра ёмонроқ. Бу мақтов жаноб Хаммаршельд кимни қўллаб қувватлаётганлигини кўрсатиб турибди. Мустамлакачи империалистлар ҳозир Конгода максимум ва минимум сиёсатини ўтказмоқдалар — бу эса, Катанга вилоятини Конгодан ажратиб олиб, уни мустамлакачилар қўлида сақлаб қолиш сиёсатидир. Бельгия мустамлакачилари ва уларнинг ҳомийлари Катанга гўё мустақиллик олган, деб кўрсатиб, ўтказиб келган сиёсатнинг ўзини мустамлакачи империалистлар қўғирчоқ Чомбе сингари ўзлари қўйган одамлари орқали ўтказишга интилмоқдалар. Уларнинг минимуми мана шу.

Максимум шундан иборатки, улар Конго Республикасининг ўз конголез халқининг ҳам, шунингдек Африкада сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун курашаётган ҳамма халқларнинг ҳам манфаатларини кўзлаб, чинакам мустақил миллий сиёсат ўтказаётган қонуний ҳукуматини ағдариб ташламоқчилар. Мустамлакачилар бу ҳукумат ўрнига бельгияликларни қўймайдилар, албатта. У ерда бельгияликлар гўё ноёб мутахассислар қилиб қолдириладилар, ҳукумат эса, уларнинг ўзлари қўйган, танасининг туси қора-ю, аммо, ҳақиқатда мустамлакачиларнинг ўша сиёсатини ўтказувчи кишилардан иборат бўлган Чомбе сингари шахслардан ташкил этилади. Бу ишнинг энг хунук жиҳати шу бўлаётирки, мустамлакачи империалистлар ўз сиёсатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари жаноб Хаммаршельднинг қўли билан ўтказмоқдалар. Жаноб Хаммаршельд буни тушунмайди, деб ҳам айтиб бўлмайди. Йўқ, буни у жуда яхши тушунади, мустамлакачи империалистларнинг манфаатларини кўзлаб, бу ишни онгли равишда бажармоқда. Лекин тарих ғилдиракини орқага қайтариб бўлмайди. Бу тарихнинг боришини секинлаштиришга уриниб кўриш мумкин, лекин тарихни бир жойда тўхтатиб қолмоқ учун унинг ғилдирагига ёпишиб олаётганлари ахир бир кун тарих ғилдираги улоқтириб ташлайди. Мустамлака мамлакатларининг халқлари ўз озодликларига эришишга мувофиқ бўладилар. Бу ишда уларга тинчликсевар халқлар ва мамлакатларнинг ҳаммаси ёрдам беради. Совет Иттифоқи ўзининг ленинча сиёсатига содиқдир, у, мустамлака асоратидан озод бўлиш учун, ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қарор топтириш учун курашаётган ҳамма халқларга хайрихоҳлик кўрсатибгина қолмасдан, шу билан бирга, уларга ёрдам ва мадад ҳам бериб турибди. Империалист мустамлакачилар Конгога нисбатан нима сабабдан шундай сиёсат ўтказаётганликлари ҳар бир кимсага равшан бўлиши лозим. Биринчидан, улар конголез халқининг курашиб, ўз мамлакатининг мустақиллигини қўлга киритиши бошқа мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқлари учун жозибали ўрнак бўлиб қолишидан қўрқмоқдалар. Иккинчидан, энг муҳими шуки, улар бу бой мамлакатни аввалгидек талаб яшамоқ учун уни ўз қўлларида сақлаб қолмоқчилар.

Жаноб Хаммаршельд Конгога бериладиган ёрдам фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқали ўтсин, деган ўз талабини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилаётганлигининг сабаби ҳам шуки, у, мустамлакачиларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ўтказишга интилмоқда. Ёш Конго Республикасининг ҳукуматини, унинг Конго парламенти ишонч билдирганлиги натижасида бош министрлик лавозимини олган бош министр Лумумбани жаноб Хаммаршельд ва ўз манфаатларини ҳимоя қилишни унга топшириб қўйган мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари қувватламаётирлар. Мустамлакачилик сиёсатининг ҳимоячилари Патрис Лумумбани коммунист деб атамоқдалар. Бундай даъволарнинг асоссизлиги очиқ кўриниб турибди. Мен айтишим мумкинки, Хрушчев қандай католик бўлса, жаноб Лумумба ҳам шундай коммунистдир. Лекин Лумумбанинг нутқлари ва ҳаракатлари коммунистик идеяларга ўхшатилаётган экан, бу нарса коммунист сифатида менинг учун жуда ёқимлидир. Миллий мустақиллик учун курашаётган кишиларни коммунистлар деб кўрсатишга уриниётганлар, ўзлари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, коммунистларнинг сиёсати мустамлакалардаги халқларнинг ўз мустақилликларини ва эркинликлари учун олиб бораётган курашларидаги манфаатларини акс эттираётганлигини эътироф қилмоқдалар. Бу эса, биз, коммунистлар учун катта шарафдир. Конгодаги воқеалар бундан буён қандай ривожланишини замоннинг ўзи кўрсатади. Бир нарса равшандирки, мустамлака мамлакатларининг халқлари ўзлари сарфлаётган куч ва ғайратни бўшаштирмайдилар, мустамлакачилар олдида таслим бўлмайдилар. Конгонинг сиёсий, социал ривожланишига келганда, келгусида қандай йўлдан боришни конголез халқининг ўзи белгилайди. Ҳозир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сиёсатида тўғри йўлни танлаб олмоқ учун ҳал қилувчи пайт келди. Ишонч билдириб шуни айтишни истар эдимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўладиган Бош Ассамблеяси Конгодаги аҳвол тўғрисида, жуда катта аҳамиятга эга бўлган шу масала устида ўз фикрини айтади, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мустамлакачиларнинг манфаатини кўзлаб эмас, балки мустақиллик ва эркинлик учун курашаётган халқларнинг манфаатларини кўзлаб, тўғри сиёсат ўтказади. Совет Иттифоқи конголез халқининг мустамлакачилар режимига тезроқ ҳотима бериб ва Конго Республикасининг ҳамма бойликларига ўзи ҳақиқатан хўжайин ва эга бўлиб қолмоғи учун конголез халқининг мустақиллик йўлида олиб бораётган курашига ёрдамлашиб келди ва бундан буён ҳам ёрдамлаша беради.

„БАЛТИКА“ АТЛАНТИК ОКЕАНДА БОРМОҚДА

«БАЛТИКА» ТУРБОЭЛЕКТРОХОДИ БОРТИ, 12 СЕНТЯБРЬ. СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар беради:

Бугун эрталаб кема вақти билан соат 10 да «Балтика» Кориуал бурунни ёнидан ўтиб, Атлантик океанга чиқиб олди. Ҳаво яхши. Қуёш чиқиб турибди. Океаннинг ёрмбахш нафаси ўзини сездирмоқда. Майин шамол денгизни мавж урдириб, кўпиклантирмоқда. Сувнинг туси хийли зангори бўлиб қолди. Кемамиз тепасида самолётлар тез-тез пайдо бўлмоқда. Чет эл мухбирлари ва кинооператорлар шу самолётларда келиб, «Балтика»нинг юришини суратга олмоқдалар. Ла-Маншга яқинлашганда, Н. С. Хрушчев Франция президенти генерал де Голлга ва Буюк Британия бош министри Макмиллан жанобларига телеграммалар юборди. Н. С. Хрушчев бу телеграммаларда Франция ва Англия халқларига салом йўллаб, энг яхши истаклар изҳор қилди ва Бош Ассамблеянинг XV сессияси олдида турган ҳаётий муҳим проблемаларни ҳал қилиш ишида ва айниқса қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишда Франция ва Буюк Британия ҳукуматлари ва делегацияларидан ҳамкорлик қилиб ишлашга умид билдирди. «Балтика» радиостанцияси Г. Макмилланнинг Н. С. Хрушчев телеграммасига юборган жавобини қабул қилиб олди. Буюк Британия бош министри бу телеграмма учун ташаккур айтиб, Буюк Британия ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессияси ўз ишини муваффақиятли тамомлайди, деб билдирилган умидга қўшилганлигини ва қуролсизланиш ишида чинакам олга силжишга астойдил интилаётганлигини айтган. Америка Қўшма Штатларидан Н. С. Хрушчев номига жуда кўп телеграммалар келмоқда. Бу телеграммаларда Н. С. Хрушчевдан учрашувлар ўтказиш илтимос қилинмоқда. Шунингдек, чет эл газеталари ва радио-телевидение компаниялари телеграммалар юбориб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бўладиган сессияси тўғрисидаги ҳамда бошқа халқаро проблемалар тўғрисидаги ўз саволларига жавоблар беришни илтимос қилмоқдалар. Ҳуллас Н. С. Хрушчевнинг иши тагин ҳам кўпайиб кетди. Ҳамма делегациялар ишлаб турибди, улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

* * *

«БАЛТИКА» ТУРБОЭЛЕКТРОХОДИ БОРТИ, 12 СЕНТЯБРЬ. СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар беради:

Англия соҳиллари орқада қолиб кетди. «Балтика» турбоэлектроходига ҳамроҳ бўлиб келаётган кемалар кема вақти билан соат 12 да (Москва вақти билан соат 15 да) «Оқ йўл тилаймиз» деб сигнал бердилар. «Балтика» ўз йўлини давом этдираберади, кемалар эса, қайтиб кетди.

Никита Сергеевич Хрушчев «Балтика»га ҳамроҳ бўлиб келган кемаларнинг командирларига, офицерлари ва матросларига қуйидаги телеграмма берди: «Ҳамроҳ бўлиб келганларингиз учун ташаккур. Сизларга оқ йўл тилаймиз ва ватанингизга эсон-омон қайтишингизни истайман. Н. Хрушчев, 1960 йил, 12 сентябрь».

Денгизчилар ҳам радио орқали жавоб юбордилар: СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга. Қизил байроқли Болтиқ флотининг «Балтика»га Атлантик океанигача ҳамроҳ бўлиб келган кемалари Ватанга қайтиб кетаётирлар. Кемаларнинг шахсий составти олижаноб сафарингиздан кузатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришингизни тилайди. Оқ йўл бўлсин азиз Никита Сергеевич. Қизил байроқли Болтиқ флотининг денгизчилари».

«Балтика» 1290 миля йўл босди. Атлантик океан орқали яна 2960 миля йўл босиши керак.

МАШИНА БИЛАН КАМИДА 150 МИНГ ТОННА ПАХТА ТЕРАМИЗ!

☆ ☆ ☆

Пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилари область кенгаши қатнашчиларининг СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати шахсан қадрдонимиз ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг доимий гамхўрлиги ва ёрдамидан илҳомланган Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил 500 минг тонна «оқ олтин» етиштириш ва давлатга топшириш мажбуриятини олганлар.

Колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли зиммага олинган ана шу юксак социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Эндиликда ишнинг энг мураккаб ва масъулиятли даври — 500 минг тонна пахтани териб олиш, шу жумладан камида 140—150 минг тонна пахтани машинада териб давлатга топшириш вазифасини амалда ҳал қилиш лозим бўлган энг қизғин ва долзарб кунлар етиб келди.

Маълумки, пахтани машинада териш — пахтачиликда техника тараққиётини таъминлайдиган энг асосий звенодир. Терим техникасидан тўла ва унумли фойдаланиш бизга ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва пахтанинг таннархини камайтириш имкониятини беради. Биз шу йўл билан КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида пахта теришга ўқувчилар, студентлар, солдатларни жалб қилмаслик ҳақида берилган ваъдани шараф билан бажаришга эришган бўламиз.

Бизнинг фикримизча, бу йилги об-ҳаво шароити туфайли пахтанинг кеч пишганлиги муносабати билан терим ишларини бажариш муддатини ўттан йилгига нисбатан анча қисқартириш керак бўлади.

Шу сабабли Ўзбекистон механизаторлари иккинчи съезди делегатларининг мурожаатига жавобан, шунингдек ўз агрегати билан мавсумда 300 тонна ва ундан кўпроқ пахта териш мажбуриятини олган Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев, Мария Ковалева ва бошқа илғор механизатор ўртоқларнинг бой тажрибаларидан ўрганиб, биз Тошкент области колхоз ва совхозларидаги пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари ўз зиммамизга қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

Бу йилги мавсумда ХВС—1,2 маркали пахта териш машинасининг ҳар бирида камида 140—150 тоннадан, СХС—1,2 маркали машинада 120—130 тоннадан, СХМ—48 маркали машинада 60—80 тоннадан пахта терамиз. Бунга биз ҳар бир ХВС—1,2 маркали машинада кунига камида 6—8 тоннадан, СХС—1,2 маркали машинада кунига камида 5—6 тоннадан ва СХМ—48 маркали машинада эса кунига 3—4 тоннадан пахта териш орқали эришамиз, ишнинг сифатли бажарилишига алоҳида эътибор берамиз.

Бу мажбуриятларни бажариш учун биз терим бошлангунга қадар қолган кунлар ичида ремонт тамомланмаган хўжаликлардаги пахта териш машиналарини ремонт қилиб, мавсумга тахт қилиб қўямиз. Шу муддат ичида кўрак чувиш машиналари ремонтини ва уларни тайёрлашни тамомлаймиз; ремонтдан чиққан ҳар бир машинанинг ишга тайёргарлигини яна бир марта синчиклаб текширишдан ўтказамиз. ХВС—1,2 маркали, янги пахта териш машиналарини ҳайдашни пухта эгаллаймиз; **ҳамма пахта териш машиналарининг икки сменада ишлашини таъминлаймиз, ҳар бир машинага нечаси ишлаши учун электр чироғлари ўрнатамиз.**

Биз барча колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, совхоз бўлимларининг бошқарувчилари ва колхоз агрономларига, пахтакор бригадаларнинг бошлиқларига мурожаат қилиб, **уларни машина ишлайдиган ҳамма далаларни бегона ўтлардан тезда тозалаш, йўлларни, кўприкларни тайёрлаш учун зарур чораларни кўриш, ўқариқларни текислаш, машина айланадиган жойларни ўз вақтида тайёрлаб қўйиш, шунингдек ғўза баргини тўкишни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга чақирамиз.**

Биз, кенгаш қатнашчилари, пахта териш машиналаридан группа усулида фойдаланишни қўлланамиз. Бригадага биркитилган ҳамма агрегатлар битта катта участкада ёки бир неча кичик участкаларда бир йўла ишлайдиган бўлади. **Агротехника қоидаларига тўла амал қилиб кўсакларнинг камида 50—60 проценти очилганидан кейингина машина теримини бошлаймиз.**

Колхозлар, совхозлар, бригадаларнинг раҳбарлари, қадрли пахтакорлар! Пахтаси машинада териш учун ажратилган далаларда қўлда теришга йўл қўйманг, бу майдонлардаги ҳосилни биз териб берамиз.

Биз областимиздаги барча механик-ҳайдовчиларни фақат аъло ишлашга чақирамиз ва буднг учун машиналарни яхши созлашга, уларнинг техника қаровини ўз вақтида ўтказишга, машинани моҳирлик билан бошқариб, пахтанинг ерга мумкин қадар кам тўкилишига эришишга даъват этамиз. **Ҳозир, терим ишлари бошлангунча ҳамма жойда амалий семинарлар ўтказиш зарур, токи машина терими усталарининг тажрибаси ҳамма механик-ҳайдовчилар орасида кенг ёйилсин.**

Биз бу йил машина айланадиган жойларни тайёрлаш, шпинделларни ювиш ва бошқа ёрдамчи ишларни бажариш учун мавжуд механизмлардан кенг фойдаланишимиз зарур. Лекин **муҳими шуки — биз пахта териш ва тайёрлашнинг поток усулидан кенг фойдаланишимиз ва ҳосилнинг пахта териш машиналари бункеридан бевосита прицепларга бўшатилишига** эришмоғимиз керак. Пахта далада қуритилмасдан ва тозаланмасдан қоп-қанорсиз прицеплар ёрдамида тўғри тайёрлаш пунктларига олиб борилади. **Бу йил камида 65 минг тонна пахтани ана шундай янги усулдан фойдаланган ҳолда териш ва ташиш керак.** Ана шу йўл билан пахтанинг одам қўли тегмаган ҳолда ғўза тупларидан тўғри хирмонга бориб тушишини таъминлаган бўламиз.

ХВС — 1,2 маркали янги машиналарда терилган ҳамма пахтани фақат қоп-қанорсиз ташиймиз. Илгари яратилган пахта териш машиналаридан фойдаланилганда ҳам қоп-қанорсиз ташишни кенг қўлланамиз. Бунинг учун пахтани ўзи ағдарадиган янги, махсус прицеплардан моҳирлик билан фойдаланамиз, хўжаликдаги мавжуд прицеплар, юк машиналари, араваларни пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун мослаштирамиз. **Биз ғўзани дефолиация қилишни ўз қўлимизга олиб, бу ишнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатамиз.**

Биз пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларининг раҳбарларидан: ҳамма қуритиш-тозалаш цехларини пахта қабул қилиб оладиган ва узатиб берадиган мосламалар билан таъминлашни, машинада терилган ва далада қуритилмасдан тозаланмасдан қоп-қанорсиз келтирилган пахтанинг тўхтовсиз қабул қилиб олинишини сўраймиз.

Қадрли ўртоқлар!

Республикамиз бўйича 3 миллион 170 минг тонна, областимиз бўйича 500 минг тонна пахта учун курашнинг ҳал қилувчи кунлари келди. Механик-ҳайдовчилар ана шу пахта учун курашнинг зарбдор отряди бўлишлари керак. Машинада 140—150 минг тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахтани териш мажбуриятининг "бажарилиши биринчи навбатда бизларга — механик-ҳайдовчиларнинг қунт ва ғайратларига боғлиқдир.

Эндиги ғал ваъданинг устидан чиқиш, меҳнатда чинакам коммунистик муносабат намуналарини кўрсатишда қолди.

Ватанга берган ваъдамизни шараф билан бажарамиз, машиналарда камида 150 минг тонна пахта терамиз.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН МАЛЬҚУЛЛАНИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

ЯНГИЕР, 13 сентябрь. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан телефон орқали олинди). 2-«Боёвут» совхозининг ўртоқ Насиб Бекиров бошлиқ бригадасида дефолиация бошланди. Бригадада 200 гектар пахта майдони бор. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси машинада терилади. Совхоз пахтакорлари 5.200 гектар пахта майдонининг 3.410 гектаридаги ҳосилни машинада йиғиб олишга қарор қилдилар. Шу мақсадда 93 терим машинаси сифатли ремонт қилинди. Дефолиация қилиш мақсадида иккита самолёт келтирилди. Совхозда 25 сентябргача дефолиация тугалланади.

С. СУЛТОНОВ.

Сиз қанча силос бостирдингиз?

(13 сентябргача бўлган маълумот, процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	109,8	Чиноз	65,8
Қўйи Чирчиқ	100,5	Янгиер шаҳри	65,4
Янгийўл	75,2	Оржоникидзе	65,1
Бўстонлиқ	74,2	Оққўрғон	64,0
Бекобод	73,9	Гулистон	63,6
Бўка	73,6	Пискент	63,5
Калинин	71,6	Олмалиқ шаҳри	33,5
Ўрта Чирчиқ	71,1		
Оҳангарон шаҳри	70,1		
Сирдарё	68,2	Область бўйича:	73,6

Пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг область кенгаши

Кеча Янгийўл шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг область кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Р. Ғ. Ғуломов** очди. Кенгаш қатнашчилари — район ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, район ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари, колхоз раислари ва уларнинг механизация бўйича ўринбосарлари, совхоз ва РТСларнинг директорлари, бош инженерлари, агрономлар, трактор-далачилик бригадаларининг бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар бу йил областимиз бўйича камида 140 — 150 минг тонна пахтани машиналар ёрдамида териб олиш ишини қандай уюштириш лозимлиги ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Х. Ж. Жалилов** «Республика механизаторлари иккинчи съезди якунлари ва областимиз механик-ҳайдовчиларининг олдида турган жанговар вазифалар» тўғрисида доклад қилди.

Докладдан сўнг қизғин музокаралар бўлди.

Кенгаш охирида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** катта нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари бу йил мавсумда терим машиналарида камида 150 минг тонна пахта териш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият олдилар.

(Кенгаш ҳақидаги тўла тафсилот газетамизнинг кейинги сонида босилади).

КАДРЛАРНИ РОСТГЎЙЛИК ВА ПРИНЦИПИАЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

□ □ □

Тошкент шаҳар партия ташкилоти КПСС XX ва XXI съездлари қарорларини амалга ошира бориб, кадрларни танлаш ва тарбиялаш соҳасида анчагина ишлар қилди. Шаҳар ва район партия комитетлари ходимларнинг сиёсий ва ишчанлик қобилиятларини ўрганиш, ёш мутахассисларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш соҳасида ўз фаолиятларини сезиларли даражада яхшиладилар. Кадрларга нисбатан талабчанлик кучайди, уларнинг умумий билим даражасини ва ишчанлик қобилиятини ошириш соҳасида кўпроқ ғамхўрлик қилинадиган бўлиб қолди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг навбатдаги пленумида доклад қилган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Қ. М. Муртазоев** ана шулар ҳақида гапирди.

Докладчи таъкидлаб ўтдики, кейинги вақтда кадрлар состави сифат жиҳатдан яхшиланди. Бу эса ўз навбатида саноат корхоналари, транспорт ва алоқа корхоналарида етти йиллик топшириқларининг ошириб бажарилишига ижобий таъсир кўрсатди. Лекин аҳволни баҳолашда умумий кўрсаткичларга таяниб қолмаслик керак. Бу йил бир қанча корхоналар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планларини, кўпгина корхоналар эса номенклатура бўйича, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш бўйича белгиланган топшириқларни бажармаётирлар. Бунинг сабаби шундаки, шаҳарком ва район партия комитетлари ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларини ишнинг кўзини биладиган командирлар, етук мутахассислар билан ҳали мустаҳкамлаганлари йўқ.

— Коммунистик қурилиш тажрибаси шуни яққол кўрсатмоқда, — деди ўртоқ Қ. М. Муртазоев қаерда кадрлар тўғри танланган бўлса, уларнинг сиёсий ва ишчанлик даражаларини ошириш тўғрисида чинакамига ғамхўрлик қилинаётган бўлса, ўша ерда муваффақият таъминланмоқда. Масалан, «Ташсельмаш» заводида раҳбарлик ўзгартирилгач, цех, бўлимларда раҳбар кадрлар тўғри жой-жойига қўйилгач, аҳвол тўбдан ўзгариб кетди.

Саноатда техника тараққиёти ғоят тез юксалаётган ҳозирги пайтда ишчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шундай қилинган тақдирда мураккаб техникани, ҳозирги замон технология процессини муваффақият билан бошқариш, фан ва техника ютуқларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш мумкин бўлади. Лекин оммавий касблар бўйича ишчилар тайёрлаш масаласига ҳали етарли эътибор берилмаётир. Техника ўқуви суст ташкил этилган. Шаҳардаги фабрика ва заводларда маҳаллий миллат вакилларидан ишчилар кам.

Қурилиш ташкилотларида кадрларни танлаш ва уларни тарбиялаш қониқарсиз аҳволда. Қурилиш участкаларида ўз ишини яхши билган мутахассислар озчиликни ташкил қилади. Кадрлар тез-тез ўзгартириб турилади. 153-қурилиш трестининг 2 ва 3-бошқармаларида бир йил мобайнида 3 тадан бошлиқ алмаштирилган. 159-қурилиш трестининг 10-бошқармасида эса 2 бошлиқ ва уч бош инженер алмаштирилган.

Сўнгра докладчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иши ҳақида гапиради. Магазин ва ошхона ходимларининг жуда оз қисмигина махсус тайёргарликка эга. Раҳбар савдо ходимлари ўртасида қўнимсизлик катта. Бу соҳада ўзини салбий томондан кўрсатган ходимлар кўпинча худди шу системадаги бошқа раҳбарлик ишларига юборилади. Ташпромторг, Куйбишев ошхоналар трести ва райпишчеотрларда илгари ўз вазифасини суйи-истеъмол қилган ўнларча кишилар ҳозир ҳам ишлаётганлиги кимни ажаблантирмайди дейсиз. Айрим вақтда раҳбар савдо ходимлари қаллоб ва ўткинчи шахсларга қарши курашиш уёқда турсин, балки аксинча уларни ҳимоя қиладилар.

Шаҳарком ва район партия комитетлари савдо шохобчаларидаги кадрлар билан ишлашни тубдан яхшилашлари, савдо ташкилотларида нормал аҳволни вужудга келтириш учун энг кескин чораларни кўришлари зарур.

Ўртоқ Муртазоев шуни кўрсатиб ўтдики, халқ соғлиғини сақлаш органларида миллий кадрлар сафи йил сайин ўсмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнатлари билан медицина ходимлари халқнинг ҳурмат ва муҳаббатини қозондилар. Тошкентда медикларнинг республиканинг узоқ районларига бориб ишлашдек ажойиб ташаббуси вужудга келди. Ростовлик медицина олимларининг поликлиникаларда жамоатчилик асосида ишлаш ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди. Меҳнатқашларга медицина хизматини янада яхшилаш манфаатлари кадрлар билан ишлашни яхшилашни талаб қилмоқда. Врачларнинг малакасини доимо ошира бориш уларнинг билимини фан ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқлари билан бойитиб бориш ниҳоятда муҳимдир. Ўтган йили малака оғириши курсларида ҳаммаси бўлиб шаҳардаги барча врачларнинг фақат беш процента қатнашганлигини нормал ҳол деб бўлмайди.

Халқ маорифи системасида, айниқса олий ўқув юртларидаги аҳвол кадрлар билан ишлашни янада яхшилашни талаб қилмоқда. Кўпгина ёш мутахассислар диплом олгач, тайин қилинган жойга бормаётирлар. Тошкент Давлат университети, медицина ва педагогика институтларида худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Коммунистик партия идеология фронтидаги ходимларга, интеллигенциямизга алоҳида эътибор бермоқда. Тошкент театрлари, концерт ташкилотлари ёш талантли ижрочилар билан тўлдирилди. Шаҳар маданият муассасаларига янги кучлар келди. Лекин маданият муассасалари ходимларининг кўпчилиги махсус маълумотга эга эмас. Тошкент консерваторияси, Театр ва рассомлик институти, маданий-оқартув мактаби шунчалик кам мутахассис тайёрлаб чиқармоқдаки, улар бутун республика уёқда турсин, ҳатто биргина шаҳар эҳтиёжини ҳам қондира олмаётир.

Парклар, кинотеатрлар, клуб ва маданият уйлари раҳбарлигини тажрибали ўз ишини севадиган кишилар билан мустаҳкамлаш зарур.

Кейинги вақтда партия, совет ва хўжалик аппаратларининг иш услуби ва методи бирмунча яхшиланди. Лекин шу билан бир қаторда ҳали ҳам камчиликларга, баъзан эса ҳатто партиявий принципларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бир қатор район партия комитетларида, шаҳар ижроия комитети ва район ижроия комитетларида кадрлар билан ишлашда аниқ ва принципал йўл йўқ, кадрларга нисбатан талабчанлик кам. Ёш бўлса ҳам, амалий ишда ўзини кўрсатган кишилар партия ва совет аппаратларига кам кўтарилмоқда.

Шаҳарком ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари составини мустаҳкамлаш, уларни ўқитиш ва тарбиялаш масаларига доимо алоҳида эътибор беришлари керак.

Хотин-қизлардан раҳбарлик лавозимларига кам кишн кўтарилмоқда. Шаҳарда мингларча хотин-қиз инженер-техник маълумотига эга бўлишига қарамай саноат, транспорт ва қурилишлардаги раҳбарлик лавозимларида бор-йўғи 232 хотин-қиз ишламоқда. Хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни қучайтириш, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш ишига тўсқинлик қилаётган қолоқ фикрларга кескин зарба бермоқ лозим.

Докладчи кишилар онгидаги капитализм қолдиқлари кўринишларига, текинхўрликка, ялқовликка қарши кураш олиб бориш зарурлигини алоҳида уқдириб ўтади. Бундай ярамас ҳолларга қарши бизда ҳали етарли даражада кескин кураш олиб борилмаётир.

Ўз шахсий манфаатини кўзлаган, майда буржуа психологияси таъсирида бўлган кишн партия ва халкнинг ҳурматига лойиқ эмас. Биз шундай қилишимиз керакки, ҳамма партия ташкилотлари, барча коммунистлар, бутун жамоатчилик текинхўрлар, порахўрлар, қаллоблар, савдогарлар ва амалпарастларга қарши шафқатсиз кураш олиб борсин. Кадрларни, барча коммунистларни КПСС Устави талабларига, партия этикаси ва коммунистик ахлоқ номаларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан бўлган ишларни янада кучайтирмоқ зарур. Кадрларни тарбиялаш соҳасидаги барча ишимиз коммунистик жамият қиёсини тарбиялашга қаратилмоғи керак.

Пировардида ўртоқ Муртазоев маҳаллий миллат вакилларидан бўлган кадрларни қунт билан ўстириш, тарбиялаш ва уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш зарурлиги ҳақида гапиради. Бунда ленинча пролетар интернационализми принципларига амал қилиб, ҳамма миллатдан бўлган ходимларга бир хилда қараш зарур. Кадрларга бўлган муносабатни улар ўзларига топширилган ишни қанчалик софдиллик билан бажараётганликларига партия ва халқ олдидаги ўз бурчларини қанчалик адо этаётганликларига қараб белгиламоқ зарур.

Доклад юзасидан музокаралар бошланади.

Биз ўз ишимизда, дейди Октябрь район партия комитетининг секретари **Р. Н. Нишонов**, ҳамиша кенг партия активига таянамиз. Улар район партия комитетининг штатсиз инструкторлари сифатида ишламоқдалар. Кадрлар билан ишлашни яхшилаш планларни муваффақият билан бажариш, жуда кўп амалий вазифаларни тўғри ҳал қилиш имконини бермоқда.

Лекин, деб давом қилади ўртоқ Нишонов, бизда партия ва давлат интизомини бузаётган кадрлар ҳам бор. Бундай кишиларга нисбатан таъсир чораларининг ҳаммасини қўлланиш керак.

Куйбишев район партия комитетининг секретари **А. Т. Тахтаров** айтдики, кадрларимиз қанчалик яхши бўлмасинлар барибир улар билан кун сайин ишлаш, илғор иш тажрибаларига ўргатиш, марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш бизнинг вазифамиздир. Шу мақсадда биз райком ҳузурида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлар юзасидан, тажриба алмашиш юзасидан системали равишда семинарларини ўтказиб турмоқдамиз. Инженер-техник ходимлар ҳам ўз билимларини оширмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги институтларнинг кечки ва сиртқи бўлимларида, партия маорифи тўгаракларида ва семинарларида ўқимоқдалар. Масалан, «Тошкенткабель» заводида барча цех ва бўлим бошлиқлари олий ва махсус ўрта маълумотга эга. Улар ўз билимларини оширишни давом эттирмоқдалар.

Лекин шу билан бирга, деди нотиқ кадрлар билан ишлаш соҳасида ҳали жиддий камчиликлар бор. Ходимларнинг ишчанлик қобилияти ва сиёсий тайёргарлигини кам ўрганиш, уларга нисбатан етарли даражада талабчанлик қилмаслик ана шу камчиликларимиздан биридир. Чкалов номли металл буюмлари заводида четдан қараганда ишлар яхши кетаётгандек туюларди. Бу ерда планлар бажарилярди, йиғилишлар доимий равишда ўтказиб турилярди. Биз ишга чуқурроқ ёндошганимизда шу нарса маълум бўлдики, корхонанинг асосий маҳсулоти ҳисобланган холодильникларнинг сифати паст, планлар кровать, қулф ва шунга ўхшаш маҳсулотлар тайёрлаётган ёрдамчи цехлар ҳисобига бажарилар экан. Корхона директори ўртоқ Вишневский алдамқалдам йўлига ўтиб олган. Район партия комитетининг бюроси уни ишдан олиш масаласини қўйишга мажбур бўлди ва кескин партия жазосини берди.

153-Қурилиш трестининг бошқарувчиси **П. М. Репин** ўз сўзида қурувчилар меҳнатини ташкил этишдаги камчиликларга, бинокорлар ўртасидаги қўпнимсизлик сабабларига тўхталиб ўтди.

«Средазтрансстрой» трести 8-қурилиш участкасининг партия ташкилоти секретари **В. А. Овчинников** айтдики, доимий юқори малакали кадрларга эга бўлганлиги учун бу ташкилот топшириқларни йил сайин ортиғи билан бажараётир. Ҳар бир прорабдик пунктида кадрларнинг иқтисодий билимларини оширувчи мактаблар ташкил этилган. Барча бинокорлар турли хил тўгарак ва курсларга жалб этилган. Мана икки йил бўлдики, қурилиш участкасидаги бирорта бинокордан ишдан бўшатиш тўғрисида ариза тушгани йўқ.

Киров район партия комитетининг секретари **В. У. Усмонов** райком аппаратини, райондаги корхоналар ва ташкилотларни кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида олиб борилган ишлар ҳақида гапирди. Ўртоқ Усмонов «Узбекбирлашув» ва республика Савдо министрлиги раҳбарларини кадрларни тарбиялаш масаласига бефарқ қараётганликлари, совет савдоси қондаларининг қўпол равишда бузилаётганлиги учун кескин танқид қилди.

— Фрунзе район партия комитети ва райондаги бошланғич партия ташкилотлари, — деди шу райком секретари **А. А. Беседин**, — кадрларни тарбиялаш соҳасидаги ишларни бирмунча қучайтирдилар. Ўтган ўқув йилида партия ва комсомол маорифи шоҳобчаларида 8 мингдан ортиқ киши ўз сиёсий билимини ошириб. Биргина Тошкент тўқимачилик комбинатида ўтган ўқув йилида сиртқи ва кечки олий ўқув юртларида, техникумларда, ишчи-ёшлар мактабида бир ярим мингдан ортиқ киши ўқиди.

Бу йил район партия комитети икки марта бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарларини ўтказди. Райком бюросида системали равишда партия ташкилотларининг иши ҳақидаги ҳисоботлар эшитилиб турилади. Райком қолоқ участкаларга кадрлар билан мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди. Бир ярим йил мобайнида 5 та цех қурилди ва реконструкция қилинди, учта поток линияси, 350 та янги асбоб-ускуна ишга туширилди.

Узбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари **Ш. Хўжаев** айтдики, Совнархоз корхоналарининг коллективлари 8 ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича берилган топшириқ ортиғи билан адо этилди. Халқ хўжалиги кенгаши ва корхона раҳбарлари кадрларни тарбиялаш, мутахассисларни юқори лавозимларга кўтаришга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Лекин деди нотиқ, бу ишда ҳали камчиликлар кўп. Жумладан, ёш мутахассисларга нисбатан, хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам бор.

Шунингдек, музокараларда «Узбексельмаш» заводи директорининг ўринбосари ўртоқ **М. Д. Тихонов**, тўқимачилик институтининг директори ўртоқ **М. А. Хожинова**, шаҳар прокурори **М. Д. Рубанов**, шаҳар комсомол комитетининг секретари **Н. Е. Барков** ўртоқлар ҳам қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

• • •

Пленум, шунингдек канализация коллектори ва Салор тозалаш иншооти қурилишнинг борыши ҳақидаги масалани ҳам муҳокама қилди. Бу масала юзасидан «Водоканал» трестининг бошқарувчиси **М. И. Хўжаев**, «Узтрансспецстрой» трестининг бошқарувчиси **О. И. Воловой** ва «Узбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси **П. П. Фалалеев** ўртоқларнинг докладлари эшитилди.

Пленум юқорида кўрсатилган объектларнинг қурилиши қониқарсиз бораётганлигини таъкидлаб кўрсатди. 1960 йилнинг қурилиш-монтаж ишлари плани бор-йўғи 44 процент бажарилган. Бу, заказчи сифатида «Водоканал», шунингдек пудратчи сифатида «Узтрансспецстрой», «Узбекгидроэнергострой» ва «Главстройиндустрия» трестларида ишнинг ёмон ташкил этилганлиги натижасидир. Жумладан, «Водоканал» трести айрим объектлар бўйича лойиҳа ҳужжатларини 2 — 4 ой кечиктириб берган ва ускупаларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминламаган.

Пленум қайд қилиб ўтдики, шаҳар ижроия комитети ва шаҳар партия комитетининг бюроси белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан қатъий контроль олиб бормаётирлар, қурилиш-монтаж ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан талабчанлик қилмаётирлар.

Пленум муҳокама қилинган иккинчи масала юзасидан ҳам қарор қабул қилди.

Пленум ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, область партия комитетининг биринчи секретари **Р. Г. Гуломов**, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **И. П. Бурмистров**, область партия комитетининг секретари **Х. Р. Мусахонова** ўртоқлар қатнашдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Янгилик изловчилар сафи янада кенгайсин!

Муаттар Собирова Тошкент тўқимачилик институти технология факультетини тугатгач, тўпа-тўғри пойтахтимиздаги ипак-йигирув фабрикасига ишга келган эди. Бунга ҳали ҳеч қанча бўлгани йўқ. Ҳозир Муаттар йигирув цехининг етук мастери. Обрўи ҳам ўзига яраша. Каттаданкичик уни олдидан ҳам, кетидан ҳам фақат мақташади. Бунинг боиси у бошлиқ смена кундалик топшириқни доимо ортиғи билан бажаради. Сифат ҳам кўп гилдагидек. Чунки Муаттар ўзига ҳам, бошқаларга ҳам жуда талабчан. Суратда: (ўнгдан) мастер М. Собирова коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун ишлаётган илғор ишчи А. Исаму ҳамедова йигирган ипак сифатини кўздан кечирмоқда.

М. Комлев фотоси.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

КРАН РАДИО ЁРДАМИДА БОШҚАРИЛАДИ

Урал вагон заводида қувончли воқеа содир бўлди. Корхонанинг копрово цехида Совет Иттифоқида биринчи радио ёрдамида бошқариладиган кўприк крани синаб кўрилди. Уни Бауман номли Москва олий техника билим юрти ходимлари тайёрлашган.

Билим юртининг вакили Л. Семенов қўлида катта бўлмаган қутича бор. Бу передатчик. Кранда эса қабул қилиш станцияси ўрнатилган. Станция сигналларни қабул қилгач, кран ўз-ўзидан ҳаракатланиб, юкларни кўтаради, туширади.

Янги кранни лойиҳалашда техника фанлари кандидати, Бауман номли Москва олий техника билим юртининг доценти В. Полковников, ассистент Л. Семенов ижодий ташаббус кўрсатдилар. Шунингдек, бу ишда заводнинг бош механиги П. Шчукин, бош механик ўринбосари А. Окатьев, копрово цехининг электрик-радисти П. Омельченко ўртоқлар ҳам актив қатнашдилар.

Қизил байроқли корхона

8 ойлик топшириқни муддатидан олдин 115 процент бажарган Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор канап-жут заводи коллективи шу кунларда айниқса зўр ғайрат билан ишламоқда. Пландагидан ташқари 575 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Ҳозир район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи ана шу илғорлар қўлида.

Корхонада Узбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора авж олаётир. Бунда тола саралаш цехи ишчиларидан М. Синова, А. Сурикова, Р. Латипов, Н. Каримов ва бошқалар олдинда бормоқдалар.

Коллектив Жумабозор канопжут заводи ишчилари билан мусобақалашишган. Бу мусобақада ҳам коллектив илғорликни қўлдан бермаяпти.

Ю. БАҲОДИРОВ.

ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

Оҳангарон цемент заводи қурилишида меҳнат қилаётган бинокорлар суръатни куч сайин тезлаштиришаяпти. Улар ойлик топшириқларни сурункасига ошириб адо этмоқдалар. Асосий объектларнинг қурилишларини олиб бораётган «Узбекшахтострой» трестига қарашли 1, 3, ва 4-қурилиш бошқармаларининг коллективлари айниқса ғайрат кўрсатиб ишлаётирлар. Улар ҳозиргидан ҳам баракали меҳнат қилишлари мумкин. Аммо кўз илғамайдиган камчиликлар бунга ҳалақит бермоқда.

Маълумки, цемент заводига хомашё етказиб берадиган тош майдалаш фабрикаси Қарғасим массивида қад кўтараётир. Массив заводдан 5-6 километр узоқда жойлашган. Фабрика қурилиши 4-қурилиш бошқармаси бинокорлари зиммасига юклатилган. Бу ерда қурилиш участкалари бир-биридан анча узоқда. Табиийки, бинокорларга бошқа бошқармалардагига қараганда кўпроқ транспорт воситалари керак. Лекин трест раҳбарлари масаланинг бу томонига етарли аҳамият бермаётирлар. Транспорт танқислиги сабабли бинокорлар бекор туриб қолишаяпти. Чунки қурилиш материаллари, бульдозерлар учун ёнилғи ва сув ўз вақтида етказиб берилмаётир.

Завод корпуслари билан ёнма-ён қатор уй-жой бинолари ҳам қад кўтараётир. Уй-жой бинолари қурилишига 1-қурилиш бошқармасига қарашли 4-участка коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, юксак кўрсаткичларга эришаётирлар. Буни кўрган трест ва бошқарма раҳбарлари иш жараёнида рўй бераётган айрим камчиликларни бартараф қилишни аслан чиқариб қўйишяпти.

Хона-хона уйлар қўлдан чиқди ҳисоб. Фақат оқланса бас. Оҳак керагидан ҳам кўп. Лекин унга қўшиладиган елим томизгига ҳам йўқ. Бинокорлар бир неча кун қўлари тўрт бўлиб, елим келтирилишини кутиб ўтиришди. Охири бўлмагач, оҳакнинг қуруқ ўзи суртилди. Натижада деворга яхши ёпишмаган оҳак бир ҳафта ўтар-ўтмас парчапарча бўлиб кўчиб туша бошлади. Демак, бир иш икки бўлди.

Шунингдек йигма уйлар учун айрим деталлар, мих ва бошқа материаллар етишмайди. Бу, бинокорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Ҳар ким ҳам куни бўйи меҳнат қилгандан сўнг мириқиб дам олгиси, маданий ҳордиқ чиқаргиси келади. Тўғри, завод қурилишини олиб бораётган коллективга ҳордиқ чиқариш учун озми-кўпми шароит яратиб берилган. Аммо бу ҳали ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларни қондиришдан ожиз. Биргина ёзги клуб-у, танца майдончасида ҳақиқий кўнгил очиш учун жой етишмайди. Аммо раҳбар ходимлар ёшлар учун стадион, спорт заллари ва бошқа маданий-маиший объектлар қуришни пайсалга солишяпти.

Бинокорлар умумий овқатланиш муассасалари ходимларидан ҳам норози. Таомлар ҳамма вақт ҳам сифатли бўлавермайди. Бунинг устига ассортимент кам. Ҳар куни бир хил таом еб бериш кимнинг меъдасига тегмайди дейсиз. 4-қурилиш бошқармасида овқатланиш масаласи айниқса ёмон. Кечки сменада ишловчилар учун турли иштаҳа очар таомлар уёқда турсин, ҳатто чой ҳам ўз вақтида қайнатиб берилмайди.

Ҳозир ёзнинг энг тўкин-сочин вақти. Бироқ трест раҳбарлари бинокорларни ширин-шакар нозиъматлар билан таъминлашга аҳамият беришмаяпти. Буни қарангки, шу чоққача бирорта ҳам сабзавот дўкони очилмаган.

Оҳангарон цемент заводи қурилиши етти йилликнинг ҳал қилувчи объектидир. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳатто кўз илғамас камчиликларга ҳам йўл қўйилмаслиги лозим.

А. АБДУСАМАТОВ,
А. РАҲМАТОВ.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БАЙРОҚДОРЛАРИ

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари районимиз саноат корхоналари коллективларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Планлар, олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг ошириб бажарилиши бунинг ёрқин далилидир. Бекободликлар ўтган ойлар мобайнида пландагидан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Бу ютуқлар техника тараққиётига зўр бераётганимиз туфайли қўлга киритилди. Бизда техникани тараққий эттиришга озми-кўпми ҳисса қўшиш ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер-техник ходимнинг шарафли бурчи ҳисобланади. Худди аввалгидек ҳозир ҳам техникани тараққий эттириш учун курашнинг олдинги сафларида рационализатор ва ихтирочилар бормоқда. Улар янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, эскирган асбоб-ускуналарни модернизациялаш, кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштиришда мақтовга сазовор ишлар қилишмоқда.

Мартен цехининг электр-слесари ўртоқ Шереметьев бу йил 8 та таклиф билан чиқди. Шу цехнинг механиги ўртоқ Артюков яна бир таклиф киритса, Шереметьевга етиб олади.

Энергетика цехи қозонхонасининг старший мастери Калашников ва слесарь Пак ўртоқлар қозонлардаги сувни кочегар регулировка қилиши ҳақида таклиф киритишди. Таклиф амалга оширилди. Уч ишчи бошқа участкага ўтказилди ва йилига давлатнинг 40 минг сўм маблағини тежаш имкони туғилди.

Кичик-кичик ирмоқлар азим дарё ташкил қилганидек, янгилик изловчилар 8 ой мобайнида 300 га яқин таклиф тақдим этдилар. Бу, металлурглар оладиган йиллик фойда 1,5 миллион сўмга кўпайди, деган сўздир.

Районимиз автотранспортчилари ҳам ўз техника тараққиёти байроқдорлари билан фахрланишга ҳақли. 16-автобаза коллективи орасида шундай ижодкор кишилар борки, улар яратаётган янгиликлар автомобиллар қувватидан унумли фойдаланиш ва кўплаб запас қисмларни тежаб қолиш имконини берапти.

Карбюраторчи ўртоқ А. Османов бензин насосининг янги клапанини яратди. Сир эмас, клапан ҳамма вақт ҳам топилавермас, шу сабабли машиналар ҳафталаб бекор туриб қоларди. Рационализатор яратган клапаннинг ҳам хизмат муддати кўп, ҳам уни қайта тиклаш мумкин. Ҳозир кўпчилик автобазаларда янги клапан қўлланилмоқда.

Шунингдек, механик Х. Қодировнинг кардан валини тез ишдан чиқишдан асрайдиган втулкаси, шоферлардан Я. Алиев ва Н. Чиҳмотренко ўртоқларнинг автомобил моторларини совутиш системасига киритган янгиликлари ажойиб самаралар бераётир.

Моҳир рационализатор ва ихтирочиларни районимиздаги цстаган корхонагинда кўплаб учратишингиз мумкин. Улар Фарҳод ГЭСи, цемент комбинати, темир-бетон буюмлар заводи, 704-УНР ва бошқа қатор корхоналарда ижодий ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилишаётир.

В. УЛМАСБОЕВ,
Бекобод район партия комитетининг инструктори.

КИМЁГАРЛАР ОИЛАСИ

Тоживой ўзига бириктирилган участкани айланиб юрар экан, ўнг томондаги пар қозони олдида тўхтади. Қозондаги сув босими мўлжалдагидан камайиб кетибди. У шоша-пиша қозонга сув қуйди. Кейинчалик босимни кўрсатадиган махсус прибор — водомерга назар ташлади. Мана энди бошқа гап, босим нормада белгиланганидек. Тоживой кўнгли таскин топиб ,яна илгарилаб кетди.

Ҳа, Тоживойнинг иши жуда масъулиятли. У кўп эмас, кам эмас — роппа-роса 17 та пар қозонининг ишини бошқариб туради. Шу қозонлар бир меёрда ишласа, бундан кейинги технология жараёнларидан ҳам кўнгил тўқ бўлади. Бунинг учун аппаратчи ўз ишини яхши билиши, эпчил ва сезгир бўлиши керак. Ана шу 17 пар қозонининг бирортаси кўнгилдагидек ишламай қолса, бутун қозонхона бўлимининг иши изидан чиқади. Буни Тоживой ҳам жуда яхши тушунади. Вазифасини сидқидилдан бажариш бойиси ҳам шунда...

Совет Армияси сафида хизматни ўтаб қайтган комсомол аъзоси Тоживой Алимов комбинатда ишлашга қарор қилди.

— Биз ҳам сенга худди шундай маслаҳат бермоқчи бўлиб турган эдик, — дейишди ўйдагилар. Энди оиламизни кимёгарлар оиласи деб аташимиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Тоживойнинг катта акаси Шер катализатор цехида аппаратчи, синглиси Хамия лаборант, опаси Марям ҳам аппаратчи бўлиб ишлашади. Уларнинг ҳаммаси ҳам илғор

Эндилиқда буг қозонларини моҳирлик билан бошқараётган Тоживой устози — аппаратчи Владимир Котешевдан чексиз миннатдор. Ҳа, ростдан ҳам Тоживойнинг касб эгаллашида Владимирнинг хизмати катта. Тоживойнинг иши юришиб кетгач, билимини оширишга ундаган киши ҳам шу устози бўлди. Кечаги шогирд бугун ўрта маълумот эгаси бўлиб, ҳозир Политехника институти кимё технология факультетининг кечки бўлимида ўқишни давом эттиришга ҳозирлик кўраяпти.

Кимёгарлар оиласининг энг кичик аъзоси — илғор ишчи Тоживой Алимов билан суҳбатлашиб қолсангиз.

— Мақсадим инженер бўлиш, касбдошларим меҳнатини енгиллаштириш имконини берувчи янги-янги асбоб-ускуналар яратиш, — деб жавоб қайтаради.

Г. ЯСТРЕБОВ,
Чирчиқ шаҳри.

Редакцияга келган хатлардан

УСТЮРТДАГИ ВИШКАЛАР

Ўзбекистонда перспектив нефть-газ конлари бўлган районларнинг чегараси кенгаймоқда. Устюртдан республика пойтахтига қувончли радиограмма келди. Чўлда разведка мақсадида пармалайдиган дастлабки вишка қад кўтарди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши нефть ва газ саноати бошқармасининг бошлиғи А. Р. Хўжаев Ўзбекистон телеграф агентлиги мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Таниғли совет олими академик И. М. Губкин бундан чорак аср илгариёқ Қизилқум ва Ўзбекистоннинг Орол денгизига чегарадош ғарбий районларида нефть борлигини олдиндан айтган эди. Бухоро — Хива районида бой нефть — газ конининг кашф этилиши бу дадил прогнознинг дастлабки ажойиб исботи бўлди. Бу районда дунёдаги энг катта Газли табиий газ манбаи топилди. Ҳозир эса бойлиги фақат яйловлардан иборат бўлган яна бир катта район ҳақидаги тасаввуримиз ўзгармоқда.

Шу нарса характерлики, янги манба тарихига дастлабки саҳифаларни мамлакатнинг эски нефть районларидан бири — Фарғона водийсининг вакиллари ёздилар. Фарғоналиклар Устюртга энг яхши ишчиларни юбордилар. Улар эса катта ишончни шараф билан оқламоқдалар.

Дастлабки қудуқни пармалаш учун танланган узоқ жойга ускуналарни олиб бориш меҳнат қаҳрамонлигининг боши бўлди. Кўп тонналик конструкциялар, двигателлар, ёрдамчи мосламалар Қўнғирот станциясида поездлардан автомашиналарга ва траллерларга ортилди. Улар эса чўлга карвон йўллари бўйлаб жўнадилар. Улар белгиланган жойга — темир йўлдан 300 километр ва Орол денгизи қирғоғидан 150 километр наридаги жойга етиб бориши билан монтаж қилиш бошланди. Бу ишни Николай Чубарь бошлиқ монтажчилар бригадаси аъло даражада бажардилар. Шу тарзда кишилар чўл манзарасига янги, муҳим ўзгартиш киритдилар — 41 метрли вишка ўнларча метр наридан кўриниб туради.

Суратда: Тошкентдаги Фрунзе номли майдон.

А. Заблоцкий фотоси.

Илмий-атеистик кеча

Яқинда Калинин районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхознинг шинам безатилган клуби колхозчилар билан лиқ тўлди. Улар илмий-атеистик темага бағишланган кечага йиғилган эдилар.

Район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ражабова кечани очиб колхозчиларнинг қатор саволларига жавоб бериш учун Табиий ва илмий билимларни пропаганда қилувчи республика музейи ходимларига сўз беради.

Кеча қатнашчилари музей ходими Низомитдин ибн Ниёзхўжанинг «Мен ислом динидан қандай воз кечдим» деган суҳбатини қизиқиш билан тингладилар. Низомитдин ибн Ниёзхўжа йигирма йил ўз умрини динга бағишлаганлигини, ана шу йиллар ичида жаҳолат ва қоронғулик дунёсида яшаганлигини, одамларни алдаш билан шуғулланганлигини гапириб берди. Сўнгра у, Хоразм областининг Урганч шаҳрида яшаб турган вақтида бўлиб ўтган бир қизиқ воқеани эслаб ўтди.

Бир куни, — дейди Низомитдин ибн Ниёзхўжа, — бир аёл ҳузуримга келиб, фарзанд кўриш умидида эканлигини айтиб, мендан ёрдам сўради. Мен бу аёлга араб тилида «сўзларни қачонгача алдайман» деб ёзиб бердим. Хотин бу қоғозни қўлига олиб, менга миннатдорчилик билдирди. Бу аёл уйимдан чиқиб кетгандан кейин, ўзимнинг қилган ишларимга, ҳақиқатни гапириш ўрнига, ёлғон гаплар билан халқни алдаб келганимга жуда афсусландим ва ўша кундан бошлаб ислом динидан воз кечдим. Ислом дини ва унинг ривоятлари ёлғон ва бемаънидир. Ислом динидаги жаннат, дўзах ва шунга ўхшаган афсоналар ҳукмрон синфлар томонидан ўйлаб чиқарилгандир. Умар Ҳайём айтганидек ҳеч ким жаннатни бориб кўрган эмас. Демак, жаннат тўғрисидаги афсоналар ҳукмрон синфлар томонидан тўқиб чиқарилгандир. Эндиликда ойга томон космик кема учирилган, қитъалараро баллистик ракеталар ва бошқа техника муъжизалари яратилаётган бир вақтда динга ишониш, турли хил диний маросимларни ўтказиш ўтакетган бемаъниликдир. Динга ишониш — жамиятдан орқада қолиш ва унинг ривожланишига тўсқинлик қилиш демакдир. Дин — қоронғуликдир.

Залда ўтирганлар нотиқнинг бу сўзларини зўр ҳаяжон ва қарсаклар билан кутиб олдилар.

Шунингдек, колхозчилар музейнинг старший илмий ходими И. Отажоновнинг «Оламнинг тузилиши ҳақида фан ва дин» деган темадаги суҳбатини ҳам қизиқиш билан тингладилар. Колхозчилар ўз саволларига батафсил жавоб берганликлари, ҳамда мароқли суҳбатлари учун музей ходимларига миннатдорчилик билдирдилар.

Кеча охирида «Юлдузлар томон олиб борувчи йўл» номли ҳужжатли фильм кўрсатилди.

Ж. ДАВРОНОВ.

Қачон тартиб ўрнатилади?

Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги пассажирларни ташиш бўлими аҳолига маданий хизмат қилиш мақсадида янги график тузиб, уни газеталарда эълон қилган эди.

Графикка асосан жумладан, экскаватор заводи билан Собир Раҳимов номли разъезд ўртасида қатновчи 3-маршрутли автобус остановкаларга ҳар 5—6 минутда, гуруч заводи билан педагогика институти ўртасида қатновчи 20-маршрутли автобус ҳар 8—9 минутда келиб туриши керак.

Лекин бу ҳар икки маршрутдаги автобуслар ҳеч қандай графикка итоат қилмай қўйдилар. 3-маршрутли автобусни 20—30 минут, айрим ҳолларда эса ундан ҳам кўпроқ кутишга тўғри келади. Шу сабабли қачон қараманг, остановкаларда йўловчилар кўплаб тўпланади. Автобус келгач эса, унга чиқиш ва тушиш амримаҳол бўлади. Баъзан эса бу автобус кетма-кет бир-бирини қувиб пойга қилиб келади.

20-маршрут бўйича қатновчи автобусда аҳвол бундан ҳам ёмон. Унинг ҳайдовчилари ва кондукторлари ҳамма вақт йўловчилар томонидан билдирилган эътирозга «Бугун маршрутга оз автобус қўйилди, арзингизни раҳбарларга айтинг!» деб жавоб берадилар.

Оқтепа массиви билан Комсомол майдони ўртасида қатновчи 36-маршрутдаги автобусда ҳам доимо йўловчилар зич бўлади.

Автопарклар нинг, қолаверса шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги пассажирларни ташиш бўлимининг раҳбарлари юқоридаги тартибсизликлардан хабарлари бўлгани ҳолда, унга барҳам бериш, ўзлари тузган графикнинг бажарилишига эришиш юзасидан тегишли чоралар кўрмаётирлар.

Меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатиш қачон кўнгилдагидек йўлга қўйиларкин?!

Ш. АБДУСОАТОВ,
Л. ГАЛИЕВА.

БИЗНИНГ ЭЪТИРОЗЛАРИМИЗ

Меҳнат отпускамини мазмунли ўтказиш, мириқиб дам олиш мақсадида «Медработник» дам олиш уйига йўлланма олувдик. Ўз оти ўзи билан «Медработник» бўлгандан кейин у ерга борган киши албатта ҳар тарафлама мамнун бўлса керак, деган хулосага келасан киши. Аммо дам олиш уйига келиб умидимиз пучга чиқди. Биринчи куниёқ зерикиб қолдик.

Эрталаб ништадан сўнг бульварлари сайр қилиб, сўнгра спорт майдончасига чиққинг келади. Қани энди мириқиб волейбол ўйнасанг. Аммо майдонча қоқ қуруқ. Ундан ноумид бўлгач, биллиард хонасига кирмоқчи бўламиз. Лекин у ерга «соатига 2 сўм» деб ёзиб қўйилган. Дам олиш уйида пулга биллиард ўйналишини энди кўришимиз. Ҳеч бўлмаса бирор музика эшитиб ҳордиқ чиқаришнинг ҳам иложи йўқ. Чунки дам олиш уйида бор-йўғи 4 тагина эски пластинка қайта-қайта қўйилаверади.

Кутубхона эрталаб бирпастгина очиқ бўлади, сўнгра куни бўйи берк. Ва янги газета ўқийсан ва на журнал. Буларнинг ҳаммасини дам олиш уйининг ходими Ўртоқ Миразжонов ташкил қилиши керак экан. Лекин у дам олувчилар орасида бўлмайди.

Дам олиш уйида спорт инвентарлари етарли. Аммо, физкультура раҳбари уни ишга солиш, дам олувчилар учун кўнгилли спорт ўйинлари ташкил қилишга киришмаган. Аҳвол шундай бўлгач, зерикмайдими киши?!

Булардан ташқари дам олиш уйига келганимиздан бери дурустроқ чой ичишга ташнамиз.

Дам олиш уйининг директори Ўртоқ Абдужабборов бу ҳақдаги шикоятларни кўп эшитган. Лекин уни тузатишга ҳамон киришгани йўқ.

Дам олувчилар номидан:

Г. ЗОКИРОВ,
Олмалиқ шаҳар комитетининг инструктори.

Я. Г. ДИОМАНДИС,
«Стройизоляция» Тошкент участкасининг қолипловчиси.

У. УСМОНОВ,
«Таштрансмаш» заводи қуюв цехининг ишчиси.

ҚАЧОНГАЧА?

Яқинда Оққўрғон район марказидаги маданият саройи ва унда олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Сарой кенг, ҳашаматли, унда бадиий ҳаваскорлик ишларини ҳар томонлама ривожлантириб юбориш мумкин.

Афсуски, маданият саройи бўмбўш, саҳнасига чумчуқ ва қалдирғочлар ин қўйиб, уни ифлос қилиб юборишган. Залдан киши нафасини бўғувчи ҳаво тарқалиб туради. Қўйилган стуллар тартибсиз ҳолда уйилиб, бир хиллари уён-буён сочилиб ётипти. Маълум бўлишича бу ерда сўнгги уч-тўрт ой ичида ҳеч қандай машғулот ўтказилган эмас экан. Бир вақтлар ташкил этилган Ғ. Эргашев раҳбарлигидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги ҳам тарқалиб кетибди. 22 ҳаваскордан маданият саройига шу кеча-кундузда бирон киши ҳам қатнаётгани йўқ.

Маданият саройининг директори Ўртоқ Содиқов ўтакетган бегам ва бепарво бўлганлиги учун ана шундай ачинарли аҳвол юз берган. Содиқовнинг ўзи музика таълимидан хабарсиз, чолғу асбобларини чала билмайди. Ўзининг иқрор бўлишича «қулоғига музика овози ҳам унчалик хуш келабермас» экан.

Ўртоқ Содиқовнинг бегамлиги яхши натижаларга олиб бормади. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган республика бадиий ҳаваскорлари кўригига Оққўрғон район маданият бўлими бирон номер билан иштирок этаолмади.

Биз директордан:

— Саройда бironта тўгарак ишлайдими? — деб сўрадик.

— Районимизда ҳаваскорнинг ўзи йўқ, — дея жавоб қайтарди директор.

— Наҳотки бутун бир районда ҳаваскор бўлмаса?!

— Бўлса бордир. . . Яна мужмал жавоб қайтарди Содиқов.

Маданият саройи район маданият бўлимининг идораси билан деярли бир жойга жойлашган. Аммо бўлим мудири Б. Машрапов ҳаваскорларга раҳбарлик қилишда Содиқовдан асло қолишмайди. Ҳар икковлари ҳам районда қанчаданқанча талантли ёшлар бор бўлишига қарамасдан «ҳаваскор йўқ» деб юрибдилар. Ваҳоланки ҳаваскор музикачи ва ашулачиларни тўплаб, уларни тарбиялаб, ўшалар иштирокида колхозчиларга, совхоз ишчиларига концертлар уюштириб бериш буларнинг асосий вазифалари эди.

Райондаги ҳаваскор ёшлар район маданият саройи ростакам иш бошлашини интизорлик билан кутиб ётиптилар. Билмадик, Ўртоқ Содиқов билан Машраповларнинг бепарволиги қачонгача давом этар экан, қачонгача улар музика асбобларини чанг бостириб ҳаваскорларни бездирар эканлар!

О. ҒУЛОМОВА.

Колхозда туғруқхона

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида яқинда янги туғруқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда 8 та хона бор. Улар керакли асбоб-ускуна ва препаратлар билан жиҳозланди.

Туғруқхона ҳузурида болалар консультацияси ишлаб турибди. Оналар бу ерга келиб, бола тарбиясига оид масалалар бўйича фойдали маслаҳатлар оладилар. В. Грибуцкая, С. Воҳидова каби акушеркалар томонидан ўтказилган «Болалар — бизнинг келажагимиз», «Бола тарбиясида ота-оналарнинг роли» деган темалардаги суҳбатлари тингловчиларга манзур бўлди.

Колхоз мазкур туғруқхонани ўз оталигига олди. Бу хўжалик ёрдами билан туғруқхона дори-дармонлар билан тўла таъминланди. Кейинчалик бу ерда қўшимча хоналар ҳам қурилади.

Ж. ҚОРАБОЕВ.

Заводда кинотеатр

Оҳангарондаги цемент заводининг 1-қурилиш бошқармаси шу корхона территориясида 500 кишига мўлжалланган ёлғиз кинотеатр биносини қуриб, фойдаланишга топширди. Кинотеатр завод ишчиларига маданий хизмат кўрсата бошлади.

Т. САИНАЗАРОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАРБИЯЛАДИ

Йўлчиев иш куни тамом бўлган бўлса ҳам негадир уйга қайтгиси келмади.

— Майли кабинетга бир бориб келай, ундан кейин дам оларман,— дедида у Чиланзор массивидаги поликлиника ёнида ўзи учун ажратилган хонага келди. «Совет милицияси» журналини варақлаб ўтирган эди бирдан эшик тақиллаб қолди. Келган киши шу массивдаги қурилиш объектларидан бирининг қоровули Йўлдошев экан.

— Бир киши қурилишдан эшикни ўғирлаб кетаётган экан, ушладик,— деди у.

— Ўзи қаерда?— сўради участка вакили.

— Ҳозирча прорабнинг хонасида ушлаб турибмиз. Нима қилиш кераклигини маслаҳат берсангиз,— қўшимча қилди келган киши.

Милиционер дарҳол воқеа содир бўлган жойга борди. Жиноятчи атрофига жуда кўп бинокор ишчилар йиғилиб турган экан.

— Хўш, қандай хулосага келдинглар?,— сўради Йўлчиев улардан.

— Менимча, коллективимизнинг шаънига доғ туширган бундай кишини судга бериш керак,— деди ишчилардан бири. Унинг фикрини бошқалар ҳам қувватлашди.

— Бу фикрингиз ёмон эмас, албатта. Лекин кишига ишонилса чакки бўлмайди. Шунинг учун Журавлев ҳақидаги материалларни жамоатчилик ихтиёрига топширсак, уни синаб кўрсак, эҳтимол қилмишларига товба қилар,— деди милиционер.

Бу оқилона таклиф ҳаммага маъқул тушди. Кўп ўтмай жамоатчилик суди ҳам бўлиб ўтди. Бинокорлар Журавлевни ўз тарбияларига олдилар.

Шу воқеа муносабати билан Алижон Йўлчиев ишчилар билан яқиндан танишиб олди. Бинокорлар ёнига тез-тез келадиган, уларнинг ҳолидан хабар олиб, маслаҳатлар бериб турадиган бўлди.

Шу кунларда Чиланзор кўчаларида кечки пайт кўлларига қизил ленталар боғлаб олган тартиб сақловчи йигитларни учратиш мумкин. Булар 1-қурилиш бошқармасининг кўнгилли халқ дружиначилари, Йўлчиев ташаббуси билан ташкил қилинган бригада аъзолари. Улар орасида бинокор Журавлев ҳам бор.

Чиланзор массивида жамоат тартибини бузувчилар кундан-кунга камайиб бораяпти. Бу меҳнатсевар, кишиларга меҳрибон ва камтар милиция ходими Алижон Йўлчиев ва кўнгилли халқ дружиначилари фаолиятининг самарасидир.

А. ИСМОИЛОВ.

Сув сероб бўлсин деб

Тошкент шаҳар сув хўжалик бошқармаси пойтахтимиз кўча ва хиёбонларини кўкаламзорлаштириш, шаҳар аҳолисини етарли миқдорда ариқ сувлари билан таъминлаш мақсадида катта ишларни амалга оширмоқда. Яқинда Кўкча ва Чигатойда гидротехника иншоати қурилди. Шунингдек, Комсомол кўлида ҳам шундай тадбир амалга оширилди.

Ново-Московская ва унга туташ кўчаларда сув оқмас эди. Шунинг учун Оққўрғон каналидан Дарҳон ариғи очилди.

Шу кеча-кундузда Киров районидаги Қорамурт кўчасида катта қайнама барпо қилинаётир. Қайнама ишга туширилгач, Тимирязев, Фурқат, Бодомзор ва бошқа қатор кўчалардаги ариқлардан муздек сув оқа бошлайди. Отчопар массивида кучли насос станцияси қурилмоқда. Бундан мақсад — шу атрофдаги аҳолини ариқ сувлари билан тўла таъминлашдир.

Илгари пойтахтимиздаги ариқларга ҳаммаси бўлиб 7 — 8 минг кубометр сув сигар эди. Уларни кенгайтириш, янги ариқлар очиш, тўғонлар қуриш натижасида ҳозир бу миқдор 15 — 16 минг кубометрга етди.

Йил сайин шаҳар сув хўжалик бошқармаси коллективининг иш кўлами кенгайиб бормоқда. Бошқармага янги-янги машина ва механизмлар берилаётир. Сувчилар ихтиёрига битта трактор ва битта экскаватор, 6 та юк машинаси ва 3 та автогрейдер берилди.

Коллектив йил охиригача яна битта бульдозер ва экскаватор олади. Бу, ҳозирда амалга оширилаётган ишлар ҳажмини тағин ҳам кенгайтириш имконини беради.

М. ЗАРИПОВ.

ҲАМОН ЎЛДА-ЖЎЛДА



Суратни кўрибоқ, битказилмай ўлда-жўлда қолган бу бино қаерда экан, деб сўрашингиз турган гап. Бунинг сира яшиладиган жойи йўқ.

Бундан роппа-роса уч йил муқаддам «Пискент» совхозининг 1-бўлими марказида клуб қурилармиш» деган овоза тарқалган эди. Ҳаш-паш дегунча клуб биносига пойдевор қурилиб, деворлари қад кўтарди. Кейин нима бўлди-ю, бошланган иш битказилмай ташлаб қўйилди. Ёғингарчилик бошланди. Қорлар эриб, кунлар ҳам ёсиб кетди. Бироқ қурилишнинг ўша «чаласи» битказилмади.

Шундай қилиб 87 минг сўм сарфланиб қурилган клубнинг бугунги аҳволи шу.

Бинонинг битган қисми ҳам ёғинчочинда ивиб тушмоқда. Совхоз маъмурияти (директори Ўртоқ Киселев) бўлса «Клубдан заруррроқ ишимиз ҳам кўп, бу ишга бироз кейинчалик киришамиз» деб клуб қурилишини ҳамон орқага сурмоқда. Қанчаданқанча меҳнат, материал ва пулнинг нес-нобуд бўлаётгани уни ташвишлантирмаётир.

Ахир бу давлат пулини кўкка совуриш эмасми?

Т. ҚОСИМОВ.

Ўзбекистонда қозоқ совет адабиёти ҳафталиги

ТОЙИР ЖАРОКОВ

Шу кунларда республикамизда меҳмон бўлиб турган қозоқ адабиёти намояндаларидан бири Тойир Жароков мамлакатга таниқли шоирлардандир. У ўнга яқин шеърий тўплам ва бир неча катта поэмалар автори сифатида кенг китобхонлар ўртасида катта ҳурмат қозонган. Унинг асарлари рус тилига таржима қилиниб, марказий газета ва журналларда босилган, альманахларга ва СССР халқлари адабиёти хрестоматияларига киритилган.

Тойир Жароков Ғарбий Қозоғистон областининг Жонибек районида 1908 йилда туғилди. У 12 ёшида рус-қозоқ мактабига ўқишга кириб, у ерда 3-синфни битиргач, Оренбургдаги қозоқ халқ маорифи институтига ўтади. Бу ерда ўқиб юрганида у классиклар асарларини зўр эҳтирос билан мутолаа қилади, ўзи шеърлар ёзишни машқ қилади.

1926 йили Жароков Қизил Ўрда халқ маорифи институтига киради. Бу ерда у Абай асарлари билан анча муфассал танишиб чиқади, унинг поэтик маҳоратини ўрганади, Собит Муқонов ва Шўлпон Иманбоевлар шеърларини зўр қизиқиш билан ўқийди. Қизил Ўрдада ўқиб юрган пайтидаёқ Жароков шеърлари кенг қарқала бошлайди. Шу кезда ўз севимли шоири Собит Муқонов билан учрашади ва ундан кўп қимматли маслаҳатлар олади.

1927 йили Собит Муқонов томонидан тузилган «Оқинлар тортиғи» сарлавҳали тўпламда ёш шоир Жароковнинг «Кумуш қуёш кулади» сарлавҳали шеъри босилиб чиқади. Лекин уни шоир сифатида танитган дастлабки асари 1928 йили «Жанги адабиёт» журналида босилиб чиққан «Аэроплан» шеъридир. Унда Совет ҳокимияти туфайли қозоқ овулига кириб келган янги техника ва унинг ҳикматлари мадҳ этилади.

1928 йилдан Жароков Олмаота педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқий бошлайди. Шу йиллари у бир неча асарлар яратди. Булар шоирнинг биринчи тўплами — «Юлдузлар нури» (1932 йил)га киритилган.

1932—1933 йилларда шоир Қозоғистон ёзувчилар союзи ташкилот комитетининг секретари, Қозоғистон давлат адабий нашриётининг редактори вазифаларида ишлайди ҳамда ўзининг «Коммунизм тонгида», «Кун сўз қотди» поэмаларини ва «Мотор қўшиғи», «Умр сўзлайди» номли шеърий тўпламларини нашр эттиради.

Шоирнинг 1937 йилда босилиб чиққан «Тошқин» поэмаси бутун қозоқ совет адабиётининг катта ютуғи бўлди. Бундан руҳланган шоир «Норин» поэмасини яратди.

Улуғ Ватан урушқ йилларида Жароков Совет Армияси сафида бевосита қатнашди. Жасур жангчи-шоир ўз қаламини ҳам душманга қарши қаратди. Унинг ижоди душманни тор-мор этиш учун жасорат билан курашишга оддий совет кишиларининг қаҳрамонликларини куйлашга қаратилди. 1943 йили Жароковнинг «Зоя ҳақида қўшиқ» шеърлар тўплами босилиб чиқди.

Урушдан кейин шоир кўпгина лирик шеърлар ва унча катта бўлмаган поэмалар ижод этди. 1949 йилда Жароковнинг «Чўлда ўрмон шовуллайди» поэмаси, 1951 йили «Танланган асарлар»и, 1954 йилда эса «Чўлда туғилган пўлат» поэмаси босилиб чиқди. Булар шоирнинг ғоявий ва бадиий маҳорат жиҳатидан анча камолга етганлигини яққол намойиш қилди.

«Қирда туғилган пўлат» поэмасида шоир Қозоғистон қир ва чўлларида содир бўлаётган буюк социалистик ўзгаришлар, замонамизнинг типик воқеалари, қозоқ ишчилари ҳақида ҳикоя қилади. Поэманинг бош қаҳрамони Темирбек узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтади. Болалигидаёқ темирчиликка ҳаваси зўр бўлган Темирбек катта бўлгач, заводга ишга келади. Дарёни жиловлашда, домна қурилишида зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлайди. У икки йил ўқиб, яна заводга қайтади. Кўп қийинчиликларни енгиб, малакали пўлат эритувчи ва обрў-эътиборли устоз даражасига эришади.

Меҳнат фаолиятидан ташқари Темирбекнинг ўй-хаёллари ва интим кечирмалари чуқур лиризм билан ёрқин акс эттирилган.

Тинчлик ва дўстлик темаси ҳам Жароков ижодида жуда катта ўрин олди. Бу темадаги талай шеърларида шоир тинчлик қучларининг улуғворлиги ва қудратини, эрксевар халқларнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган самаради курашини мадҳ этади, фойдахўр империалистларнинг жирканч башараларини фош этади, уларга нисбатан нафрат қўзғатади.

Жўшқин эҳтирос ва тематик диапазоннинг кенглиги Жароков ижодига хос хусусиятлардир. Унинг шеърлари ва поэмалари ғоят жонли, кўтаринки руҳ ва сиёсий пафослидир. Тойир Жароков лиризмни публицистика билан маҳоратли боғлай оладиган шоирдир. Унинг табиат кўринишлари ва ҳодисалари ҳақидаги, кишиларнинг ички кечирмалари ва хаёллари тўғрисидаги шеърлари қозоқ поэзиясида сира ишлатилмаган ифода воситалари, бадиий приёмлар ва бўёқларга бойдир.

Тойир Жароков ижодини характерлайдиган хусусиятлардан яна бири шундаки, у ҳамиша олга интилади, келажакка оптимистик қарайди, келажак режалари билан тўлқинланади. Мана шу жўшқинлик, қайнаб тошиш шоирни кўпроқ революцион романтикага мурожаат қилишга мажбур этади.

Хулоса қилиб айтганда, талантли қозоқ шоири Тойир Жароковнинг 30 йиллик ижоди совет адабиётини бир қанча нодир асарлар билан бойитди, қозоқ совет поэзиясини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади, миллионлаб китобхонларни коммунистик руҳда тарбиялади ва тарбиялаётир.

Махаш БЕКБЕРГЕНОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси.

СОЦИАЛИЗМНИНГ БУЮК ПРИНЦИПИ:

ИШЛАМАГАН-ТИШЛАМАЙДИ

Қонун ўзи ҳал қилсин!

Бизнинг мамлакатимизда йил сайин ижтимоий фондлардан олинадиган бойликларнинг тобора кўпроқ қисми меҳнаткашлар ўртасида, меҳнатнинг сон ва сифатидан қатъий назар, бепул тақсимланмоқда. Маълумки, давлатнинг ана шу мақсадлар учун сарфлаган харажати 1965 йилдаёқ ҳар бир хизматчига ҳисоблаганда ойига тахминан 380 сўмни ташкил этади.

Бироқ ижтимоий тузумимизнинг ана шу буюк муваффақиятларидан текинхўрлар ҳам фойдаланаётир. Бу ҳол ҳаётимизнинг барча қоидаларига қарама-қаршидир. Бунинг устига, у мамлакатимизнинг Асосий қонуни — СССР Конституциясига хилофдир. Конституциянинг 12-моддасида бундай дейилган. «СССРда меҳнат қилиш, «ишламаган тишламас» деган принципга биноан, меҳнатга лаёқатли ҳарбир гражданнинг бурчи ва шарафли ишидир».

Бу модданинг юридик маъноси, жумладан шундан иборатки, Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани меҳнат қилган тақдирдагина ижтимоий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзининг шу бурчини жамият олдида оёқости қилаётган текинхўр ўзининг бу қилмиши билан меҳнаткашлар коллективидан ўзини четга чиқариб қўяди ва бинобарин, совет кишиларининг меҳнати туфайли яратилган бойликларга даъво қила олмайди.

Аммо бизнинг ҳозирги қонунчилигимизда жиддий камчилик мавжуд. Жумладан текинхўрларнинг ижтимоий бойликлардан фойдаланишига бевосита чек қўювчи қонун йўқ.

Бизнинг қонунчилигимиз фақат жиноят йўлига ўтган — ўғирлик қилган, ўғирланган молни сотиб олган, савдогарчилик ва шунинг кабилар билан шуғулланган текинхўрларга қарши курашни назарда тутади. Хўш, Жиноят кодексини бузмаган текинхўрни нима қилиш керак? Бу ҳақда қонунда ҳеч нима дейилмайди.

Сўнгги вақтларда газеталарнинг саҳифаларида жамоатчилик текинхўрларга қарши курашда маъмурий таъсир кўрсатишнинг кескин чораларини қўллашни тавсия этмоқда.

Лекин, менинг назаримда, бундай чоралар билан текинхўрларга қарши кураш проблемасини тўла ҳал қилиб бўлмайди. Текинхўрларнинг турли хил категориялари мавжуд. Уларнинг баъзилари бекор юрадилар ҳамда ота-оналари ва бошқа қариндошлари ҳисобига ҳаёт кечирадилар. Бошқалари эса ҳеч қаерда ишламасдан, йиллар давомида ҳар турли ҳийла-найранглар билан машғул бўладилар ва қонунлардан бир илож топиб, паразитлик йўли билан турмушларини эплаштирадилар. Учинчи бирлари юқоридагилардан шу билан фарқ қиладики, улар номигагина ишлайдилар, бироқ булар ҳам асосан меҳнатсиз топилган даромад ҳисобига яшайдилар. Ниҳоят, ишлаб чиқаришда ишлаб туриб, ўз даромадининг бир қисмини меҳнат қилмасдан топадиган кишилар ҳам текинхўрлик касалига мубтало бўлиб қолганлар.

Табиийки, текинхўрларнинг турли категориясига нисбатан турли маъмурий чоралар қўлланилмоғи лозим. Бироқ вазифа ягона бўлаши керак. Бошқа кишиларнинг меҳнати ҳисобига кун кечирувчи паразит элементлар фойдаланадиган барча йўлларни маҳкам беркитиш зарур.

Текинхўрларга ижтимоий бойликлардан фойдаланиш йўлларини беркита оладиган маъмурий чоралар тўғрисидагина тўхтаб ўтмоқчиман. Бунда мен масалани узил-кесил ҳал этишни даъво қилмайман.

Уй-жой. Маълумки, бизнинг мамлакатимиздаги квартира ҳақини капиталистик мамлакатлардаги уй-жой ҳақи билан асло тенглаштириб бўлмайди. Бунинг сабаби шуки, қурилишга ва уй-жойга сарфланадиган маблағнинг кўп қисмини давлат ўз фондидан тўлайди. Шундай савол туғилади: бу интиёзлардан меҳнаткашлар билан бир қаторда текинхўрларнинг фойдаланиши адолатданми? Менимча, ҳар турли меҳнатсиз даромадлар ҳисобига яшаётган кишилар, умумий қоидага биноан, давлат уй-жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши керак.

Депутатлар Советлари ижроия комитетларига гражданлар, жамият ташкилотлари ҳамда муассасалари умумий мажлисларининг илтимосига биноан давлат уй-жой майдонидан паразит элементларни маҳрум қилиш ҳуқуқи берилганида эди, адолатли иш қилинган бўларди. Оила ичида яшовчи текинхўрга келганда шуни айтиш керакки, оила уй-жой билан таъминланганида шундай тартиб ўрнатмоқ зарурки, бекорчи киши уй-жойга муҳтож деб ҳисобланмасин.

Уй-жойни ижарага берувчи кишилар устидан контролни кучайтириш зарур ва бордию уй-жойни олиб-сотиш факти аниқланса, олиб-сотарни квартирадан кўчириб юбориш керак.

Ер. Умумхалқ мулки ҳисобланган ернинг текинхўрлар учун бойлик орттириш манбаи бўлиб хизмат қилаётганлиги билан ҳам келишиб бўлмайди. Шахсий дачаларини ижарага бериб, олибсотарлик билан шуғулланаётган, бойлик тўплаш мақсадида боғ ва полизлар эга бўлган, хусусий мулкчилик билан ҳаёт кечираётган кишиларни назарда тутаяпман. Давлат ерларини шундай йўллар билан олиб-сотиш факти аниқланган тақдирда Советларнинг ижроия комитетлари ер участкаси бериш тўғрисидаги актни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим. Бунинг юридик натижаси ер участкасини меҳнаткашларга беришдан, шунингдек дачаларни давлат белгилаган нархларда мажбурий равишда сотишдан иборатдир.

Шахсий автомашиналар. Бизнинг мамлакатимизда, масалан, АҚШдан фарқ қилиб, шахсий автомашиналари бўлган меҳнаткашлар тош йўллар, кўприклар, ва шунга ўхшашлардан фойдаланганликлари учун ҳақ тўламайдилар. Ўз шахсий автомобиллари бўлган ва улардан ўз ҳамёнини тўлдириш учун фойдаланаётган текинхўрларга давлат транспорт иншоотларидан фойдаланишга йўл қўймаслик керак деб ўйлаймиз. Бунинг учун нима қилиш керак? Агар машина эгаси пассажирлар ва юкни пулга ташиётганлиги аниқланса барча текинхўрларни машинани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқилона чора бўларди ва сўнгги чора — автомашинани мусодара қилишдир. Бойлик орттириш мақсадларида ўз автомашиналаридан фойдаланмаётган текинхўрларга келганда шуни айтиш керакки, улар транспорт иншоотларидан фойдаланганликлари учун катта солиқ тўлашлари керак.

Санаторий ва курортлар. Шундай қоида жорий қилиш зарурати кўзга ташланаяптики, унга биноан мамлакатимизнинг соғломлаштириш муассасаларида текинхўрлар дам ололмайдиган бўлсин. На қариндош-уруғлар орқали, на сотиб олиш йўли билан, на бошқа қандайдир усуллар билан санаторий, дам олиш уйи, туристлар базаси, пансионат ва шу каби жойларга бориш учун бironта ҳам путёвка текинхўр қўлига тушмасин. Бунинг учун жамоатчилик қатъий контроль ўрнатмоғи лозим. Путёвкалар тақсимланадиган жойларда, ҳамда дам олиш жойларида икки ёқлама контроль ўрнатиш керак.

Милиция органларига шундай ҳуқуқлар бериш керакки, улар курортларга келадиган текинхўрларни пропискадан ўтказмасинлар, уларга штраф солиб, жўнатиб юборсинлар. Курорт жойларда яшаётган бекорчиларнинг ҳаммаси у ерлардан кўчириб юборилиши керак.

Шунингдек спорт жамиятларига, бассейнлар ва стадионларга текинхўрларни киритмаслик тўғрисида ҳам ўйлаб кўрмоқ лозим.

Медицина хизмати. Текинхўр барча меҳнаткашлар қатори бепул медицина ёрдамидан ҳам фойдалана олмайди. Айрим ҳолларни: оғир касаллик, бахтсиз ҳодисаларни назарда тутаётганим йўқ, албатта. У ҳолда ҳатто текинхўрларга нисбатан ҳам инсофсизлик бўларди. Бу ерда гап кундалик даволаш-профилактика иши тўғрисида боради. Давлат поликлиникалари, амбулаториялари бекорчилар учун вақт сарфламаслиги керак.

Билим олиш, кутубхоналар. Мамлакатимизнинг техникумлари ва олий ўқув юртларига ҳозирнинг ўзидаёқ, қоидага биноан, бевосита ишлаб чиқаришдан келган ёки мактабни битирган ёшлар қабул қилинаётир. Бу қувончли воқеадир. Аммо айрим ҳолларда ўқув юртларига текинхўрлар кириб қоладилар. Бу ерда ҳам уларнинг йўлини тўсиб қўйиш керак. Мактабни битиргандан сўнг бир неча йиллардан бери ишламаётганлар ўқишга қабул қилинмасин.

Шунингдек, текинхўрлар учун кутубхоналарнинг эшикларини ёпиб қўйиш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилмоқ зарур.

«Ишламаган—тишламайди». Биз кундалик ҳаётимизда шу принципга амал қилишимиз лозим. Текинхўр жамият ҳисобига яшамаслиги керак. У на уй-жой, дам олиш, билим олиш ҳуқуқига ва на халқ ўз меҳнати билан яратаётган ижтимоий бойликларнинг ҳеч биридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўла олмайди. Булар қаттиқ чоралар эмасмикан? Бўлар қаттиқ, аммо одилона ва зарур чоралардир.

Ю. ТОДОРСКИЙ,
юридик фанлари кандидати.
(«Комсомольская правда», 9 сентябрь).

Телевизор экранида

14 СЕНТЯБРДА

19.30. «Эртак кетидан эртак» фильмидан ўқувчилар учун ўзбек тилида «Уч апельсин» деган телеинсценировка.

20.00. Киножурнал-«Кундалик янгиликлар».

20.10. Сўнгги ахборот.

20.30. Саноат ходимлари учун ўзбек тилида «Меҳнат совғалари» деган эшиттириш.

20.55. Бадиий фильм «Иван Иванович билан Иван Никифорович ўрталарида бўлиб ўтмиш жанжаллар».

22.10. Пахтакорлар учун эшиттириш ва концерт.

15 СЕНТЯБРДА

19.30. «Моҳир қўллар». Ўқувчилар учун ўзбек тилида эшиттириш.

19.55. Сўнгги ахборот.

20.15. Саноат ходимлари учун эшиттириш. «Узбекхолкомаш» заводидан рус тилида репортаж.

20.40. «Совет Ўзбекистони» киножурнали.

Тошкент энг янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ИВАНОВО ФАБРИКАЛАРИГА ЖЎНАТИЛДИ

Янги ҳосилдан ишлаб чиқарилган пахта толаси ортилган биринчи эшелон Тошкент магистралидан жўнаб кетди. Пахта толаси Когон станциясида ортилди ва графикда белгиланганидан олдин Қозоғистон йўлига топширилди. Бу тола Иваново областидаги тўқимачилик корхоналарига юборилди. (ЎзТАГ).

ЛЕНИНГРАДДАН КИНОЭКСПЕДИЦИЯ

Ленинград илмий-техника фильмлари киностудиясидан Тошкентга экспедиция келди. Экспедиция составида режиссёр С. В. Кузьмин, оператор В. Г. Симхович, консультантлардан СССР Алоқа министрлиги меҳнатни муҳофаза қилиш лабораториясининг инженери В. И. Чеснокова алоқа министрлиги ишлаб чиқариш техника бошқармасининг бош инженери Г .С. Межирицкий ва бошқалар бор.

Ленинградлик кинематографчилар СССР Алоқа министрлигининг закази бўйича «алоқа линияларида ишлаш вақтида техника хавфсизлиги»деган ўқув фильмини суратга оладилар. Бу фильм 4 қисмдан иборат бўлиб, шу ойнинг охирида суратга олиб бўлинади.

БОШ ПИОНЕР ВОЖАТИЙЛАР МАКТАБИ

Тошкент шаҳар комсомол комитети пойтахтимиз мактабларида пионер ташкилоти ишларини янада яхшилаш ва пионер вожатийлар малакасини ошириш мақсадида янги тадбир белгилаб чиқди. Островский номли ва Сталин номли пионерлар саройлари билан ҳамкорликда 2 йиллик бош пионер вожатийлар мактаби ташкил қилинди. Ҳозир мактабни очиш билан боғлиқ бўлган ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Машғулотлар ҳафтада бир марта ўтказилади. Пионер вожатийлар бу ерда тажрибали педагоглардан таълим оладилар. Улар мактабларда пионер ташкилоти ишларини қандай ўтказиш юзасидан зарур қўлланмалар билан танишадилар. Шунингдек, пионер ташкилотининг тарихи, ВЛКСМ II Пленуми қарорлари асосида пионер ташкилотининг вазифалари, болалар ўртасида ёзги мавсум ишларини қандай ташкил қилиш ва шунга ўхшаш пионер ишлари методикасини ўрганадилар.

Ўқиш вақтида улар пойтахтимиздаги саноат корхоналари ва олий ўқув юртларида экскурсияда ҳам бўлишади. Пионер вожатийлар мактабига Тошкентдаги барча мактабларнинг бош пионер вожатийлари жалб қилинади.

ХИЗМАТИДАН ҲАММА МАМНУН

Сиз суратда кўриб турган бу қувноқ киши Собир Раҳимов, Қоратут, Лабзак, Муваффақият кўчаларидаги хонадонларнинг қадрдони почтальон Қодир ака Бойманов-дир. Қодир ака 27 йилдирки, Тошкентдаги 19-алоқа бўлимида ҳалоллик билан хизмат қилмоқда. У ҳозир ҳар куни 700 дан ортиқ газета ва журнал, қанчадан-қанча хат, телеграммаларни эгаларига етказади.

Қодир ака хизматни барвақт, эрта тонгдан бошлайди. Икки соат ичида 600 хонадонни айланиб ҳали ишларига отланиб улгурмаган меҳнаткашларга янги почтани етказиб беради.

Ўртоқ Бойманов намунали хизмати билан обуначиларнинг зўр ҳурмат ва муҳаббатини қозонган.

Почтальон Қодир ака Бойманов ҳали яна неча-неча километр йўл босиб, жаҳонда тинчлик ва озодлик тантанаси ва бошқа қувончга тўла воқеалар билан одамларни хабардор қилиш ниятида.

В. Салов фотоси.

Халқаро аҳвол

СССР ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БЕРЛИНДА БЎЛИШИ

БЕРЛИН, 12 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР ҳукумат делегацияси бугун арталаб Берлиндаги Трептов паркига борди. Бу ерда совет халоскор жангчиларига ҳайкал ўрнатилган. Л. И. Брежнев, М. Г. Первухин, Д. Ф. Устинов, С. Г. Лапин ҳайкал ёнига «Ватан учун ва халқларни фашизмдан озод қилиш учун курашда ҳалок бўлган совет қаҳрамон жангчиларига. СССР ҳукумат делегациясидан» деб ёзилган гулчамбар қўйдилар.

Гулчамбар қўйиш маросимида Германия Демократик Республикаси ички ишлар министри К. Марон, ГДР ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. Кениг, Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони генерал-полковник И. И. Якубовский, совет элчихонасининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Гулчамбар қўйиш вақтида миллий халқ армиясининг фахрий қоровули саф тортиб турди ҳамда СССР ва ГДР давлат гимнлари ижро этилди.

ХАНОЙДА ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАР ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ХАНОЙ, 12 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети 11 сентябрь кечқурун республика президенти резиденциясида Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг учинчи съездида иштирок этган қардош партиялар делегациялари шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси Хо Ши Мин, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ҳозир бўлдилар. Қабул вақтида сўзга чиққан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси Хо Ши Мин қардош партиялар делегацияларига Вьетнам Меҳнаткашлар партияси учинчи съездига келганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

Қабул вақтида 11 социалистик мамлакат қардош партияларининг делегациялари — Совет Иттифоқи, Хитой, Албания, Болгария, Польша, Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Мўғулистон, Руминия, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Чехословакия делегациялари, Ҳиндистон ва Индонезия Коммунистик партиялари делегациялари, шунингдек турли мамлакатларнинг дипломатик вакиллари иштирок этдилар.

КОРЕЯ ХАЛҚИ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ВИЗИТ БИЛАН КЕЛИШИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ПХЕНЬЯН, 11 сентябрь. (ТАСС). Корея марказий телеграф агентлигининг хабар беришича, мамлакатнинг фабрикалари, корхоналари, қишлоқ хўжалик кооперативлари ва мактабларида Н. С. Хрушчевнинг Кореяга қиладиган визити шарафига митинглар ўтказилмоқда.

Митингларнинг қатнашчилари СССР элчихонасига мактублар юбориб, Н. С. Хрушчевни Кореядa меҳмон бўлиб турган вақтида ўз фабрикалари, корхоналари, қишлоқ хўжалик кооперативлари ва мактабларига келишга таклиф этмоқдалар. Пхеньяндаги Совет элчихонаси 6 сентябргача 1.600 дан ортиқ ана шундай мактублар олди.

ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШГАН СОВЕТ СПОРТЧИЛАРИНИНГ МИТИНГИ

РИМ, 12 сентябрь. Тасс махсус мухбири Е. Башмачников хабар беради:

XVII Олимпиада ўйинлари тугаганлиги муносабати билан совет спортчилари делегацияси Олимпиада қишлоғида митинг ўтказиб, Никита Сергеевич Хрушчевга ёзилган хатни якдиллик билан қабул қилди.

Совет спортчилари Н. С. Хрушчевга ёзилган хатда Римдаги Олимпиадада эришган муваффақиятларини, командаларнинг ғайри расмий ҳисобида биринчи ўрин олганликларини, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг Олимпиадада қатнашган командаларидан анча ўзиб кетганликларини хурсанд бўлиб хабар қилдилар.

ЛОАСДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

НЬЮ-ЙОРК, 12 сентябрь. (ТАСС). «Нью-Йорк Таймс» газетаси мухбирининг Вьентьяндан хабар қилишича, Лаос бош министри шаҳзода Суванна Фума шаҳзода Боун Оум бошчилик қилган исён муносабати билан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилган.

Суванна Фума мамлакат қуролли кучлари қўмондони генерал Оани Раттиконга Лаоснинг бутун территориясида қонун ва тартиб тиклаш вазифасини топширган.

ЛОНДОН, 12 сентябрь. (ТАСС). «Таймс» газетасининг дипломатик обзорчиси Боун Оум исёнига тўхталиб бундай деб ёзади: «Бу шаҳзодани америкаликлар қўллаб-қувватламоқдалар. Америкаликлар унга антикоммунистик ҳамда Америка тарафдори бўлган киши сифатида қарамоқдалар». Обзорчи шу нарсани уқтириб ўтадики, Қўшма Штатларнинг Лаосдаги маслаҳатчилари Лаосда АҚШ билан ҳарбий иттифоқни қўллаб-қувватлайдиган ҳукумат тузишга интилмоқдалар.

Ҳиндистон Конго Республикаси билан дипломатик муносабатлар боғлади

ДЕҲЛИ, 12 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюроси хабар беради: Ҳиндистон ҳукумати Конго Республикаси билан дарҳол дипломатик муносабатлар боғлашга ва элчилар айирбошлашга қарор қилди.

БМТ Бош Ассамблеяси сессиясига Албания делегацияси жўнаб кетди

ТИРАНА, 12 сентябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясига Албания Халқ Республикаси Министрлар Совети раиси Мехмет Шеху бошчилигида Албания делегацияси бугун эрталаб самолётда Тиранадан Италияга жўнаб кетди. Бу ердан у Францияга, сўнгра эса пароходда Нью-Йоркка боради.

Об-ҳаво кандай бўлади?

Бугун Тошкент областида ва Тошкент шаҳрида ҳаво очиқ бўлади. Эрталаб областда 13-18, Тошкентда 14-16, кундузи областда 28 — 33. Тошкентда эса 31-33 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ФЕЛЬЕТОН

Савдогарнинг қўйин дафтари

Савдогар Воҳид Алимуҳамедовнинг қўйин дафтари тасодифан қўлимизга тушиб қолди. Биринчи жумла мана бундай бошланибди:

«Бир неча йилдан буён ҳеч ерда ишламайман. Пулим кўп. Ташвиш йўқ. Чайқов қиламан. Бугун қилган ишларимни бир эслаб қўймоқчи бўлдим.

1957 йил, июль. Кечаси Оққўрғон районидаги собиқ Будённий номли колхознинг раиси Шодибеков билан узоқ суҳбатлашдик. Аввал кўнмади. Пул кўрсатдим. Кўнди. Эрталаб колхознинг 1663 килограмм, колхозчиларнинг 1137 килограмм олмасини сотиб олиб, Иркутскка жўнадим...

2 сентябрь. Кеча сафардан қайтдим. Ҳар бир килограммидан 10 сўмдан фойда кўрибман. Раисга ҳам 5—6 минг чўзишга тўғри келди. Пул деса ўзини томдан ташлашга тайёр-у, яна мен раисман деб керилиб юришини қаранг!

— Яна жўнайсанми? — деди у кафтини бир-бирига ишқалаб.

— Жоним билан! — дедим мен ҳам. Эртасига колхознинг 1180 килограмм, колхозчиларнинг 9210 килограмм узумини сотиб олиб, яна вагонга урдим. Фойдаси чакана бўлмади.

1958 йил, 10 май. Бугун мени правление кенгашида колхоз аъзолигига қабул қилишди. Кимдир: «у бизда ишламайди-ку!» — дея луқма ташлаган эди, раис:

— Ўзингни юм! — дея жойида қотириб ташлади.

11 май. Тени билан ёмон тушлар кўриб чиқдим. Милиционерлар мени қўлга туширишмоқчи бўлишди, мен бўлсам раисниг печати билан уларни даф қилавердим. Кўнглим ғаш. Бир ишкал борга ўхшайди...

13 май. Эрталаб рафиқам билан жанжаллашиб қолдик. У менга:

— Сиз инсофсиз бўлиб кетяпсиз, дадаси, — деди. Мен унга:

— Чайқовчида инсоф бўлади деб эшитганмидинг, хумкалла! дедим. У йиглади, мен қулдим.

15 май. Савдо бўйича шахсий секретарим Уташевнинг маошини бир ой ошириб бердим. Хурсанд...

25 июнь. Кечаси бир вагонни тўлдириб олма юкладим. Яна Иркутскдаман. Қайтгач, фойда ҳақида яна ёлғон сўзлашга тўғри келди. Раисга ҳазиллашиб қўлга тушиб қолдик-ку, хўжайин, деган эдим, бечора турган жойида тахтадек қотиб қолди... Кулишдик.

5 сентябрь. Бу гал Улан-Удэ шаҳрига боришга қарор қилдим. Қўлимда сотиб олган бир вагон узумим бор. Мўлжалдаги нархга сота олсам, қайтгач, истаган кишимни сотиб олишим мумкин.

29 сентябрь. Бугун қайтиб келдим. Кайфим чоғ. Кўнглим тоғдек кўтарилган. Раис ҳам хурсанд — нуқул илжаяди...

1959 йил, 15 апрель. Бугун кечқурун ниҳоят Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Бахтиёр Умаровни қўлга олдим. Биринчи гал борганимда «Мен коммунистман, сотилмайман» дея кўкрагига муштлаб андак бўлмаса тешиб қўяёзган эди. Иккинчи гал борганимда қовоғини солиб «бу иш мен учун уят» деди.

Учинчисида:

— Сизга ер керакми? — дея илтифот билан қарши олди.

— Ҳа, қуруқ ер керак...

— Қанча?

— 5 гектар.

— 6 гектар қилиб берсамчи? — деб юборди Умаров мулла жиринг-нинг дарагини эшитгач.

20 август. Колхоз ва колхозчилардан икки вагон тарвўз сотиб олиб, яна Иркутскга равона бўлдим. Эсон-омон қайтиб келсам, ўзимнинг 6 гектар ериндан чиққан тарвузларни ҳам ўша томонга пулламоқчиман. Умаров:

— Биродар, сиримиз очилмасин-да! — дея илтимос қилди.

— Менга барибир, — дедим мен жўрттага.

— Сизга барибир, лекин менга барибир эмас дея Умаров менга маҳкам ёпишиб олди, — мана бу ҳужжатларни олинг, лекин эҳтиёт бўлинг!

Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида икки колхознинг аъзосиман. Бахтимдан ўргулай! Пулинг бўлса, чўнтагинг тўла ҳужжат бўлар экан...

20 декабрь. Милиция органи қўлга туширилганига анча бўлиб қолди. Мени қамашнинг уддасидан чиқиша олмаса керак. Ётиб қолгунча, отиб қол деганлар.

22 декабрь. Милиция терговчиси билан бас бойлашиб қолдим:

— Сенларни майна қилиб ўйнатишим мумкин, — дедим мен, — беш кунда чиқиб кетмасам Воҳид отимни бошқа қўяман.

Милиция терговчиси ғазабдан терлаб кетди.

1960 йил, 9 январь. Бугун менинг жиноий ишим область прокуратурасининг терговчиси Шодиҳўжаевга ошириди. Икки қўлимни чўнтагимга солиб, кўзимни қисиб қўйган эдим, бечора терговчи андак бўлмаса ақлидан озиб қолаёзди ва шошиб-пишиб:

— Чой ичасизми? — деб сўради.

14 январь. Эрталаб Шодиҳўжаев эшикни очиб:

— Сўзингизда қатъий турибсизми? — дея жилмайиб қўйди Мен ҳам жилмайдим. Кейин очиқ қа чиқариб юборди.

15 январь. Куннинг иккинчи ярмида ўз ваъдамга биноан милиция терговчисиниг ҳузурига келиб, унга салом бериб кетдим...

Кундаликнинг қолган қисмини бу ерга кўчирмаймиз. Чунки Воҳид Алимуҳамедов суд органлари шаънига туҳмат гапларни айтган. Битта-яримта суд ёки тергов органининг ходими пулга учиб, уни ҳимоя қилаётган бўлса бордир. Эҳтимол унинг жиноий иши 9 ойдан буён кўрилмай, жиноят содир бўлган Оққўрғон, Бўка районлари бир томонда қолиб, Пискент, Ўрта Чирчиқ районлари ўртасида борди-келди бўлаётганлигининг боиси ҳам шундадир. Лекин Алимуҳамедова ўхшаган халқ ва ҳукуматга ҳисобсиз зараралар етказаётган, ҳеч қаерда ишламайдиган текинхўр шахслар жамоатчилик ғазабидан қочиб қутила олмайди, қилмишига яраша жазоланади.

Х. ТУХТАБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОША ЖОЙЛАРИДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IX да **Чио-Чио-Сан**, 15/IX да **Риголетто**. Кеч соат 8 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 14/IX да **Концерт**, 15/IX да **Ошиқ Ғариб**. Кеч соат 8 яримда бошланади.

Улар ўн тўққиз ёшда эдилар — қишки «ВАТАН», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), ёзги «ВАТАН», ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 ярим ва 10-20 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 8-40 минут ва 10 яримда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 8 да), ПУШКИН номли (кеч 8 яримда).

Шумава короли — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН» номли, қишки НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «УДАРНИК» (кеч 8-40 минут ва 10 яримда), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 8-40 минут ва 10 да).

Кононерскийлик болалар — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Бабетта урушга боради — қишки «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 10 да), «ИСКРА» (кеч 8-40 ва 10-20 минутда), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8-40 ва 10-40 минутда).

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

1961 ЙИЛ ҮЧҮН

якка обуна қабул қилиш бошланди

Обуна алоқа бўлимларида ва Тошкент почтамтида, «Союзпечать»нинг Тошкент шаҳар бўлимида соат 9 дан 19 гача, якшанба кунларида эса соат 9 дан 18 гача, шунингдек фабрика, завод, муассаса ва ўқув юртларидаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт.

Олмалиқ шаҳридаги мис бойитиш фабрикасида ишлаш учун:

6 — 7-разрядли дипломли **электросваркачилар**, металл конструкцияларни ва йиғма темирбетонни баландликда монтаж қилиш учун **монтажчи бригадирлар** ва **слесарлар**

керак

Уй-жой билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Апанасенко кўчаси, 35-уй, махсуслаштирилган 93-трест.

1-Қорамурт проезд, 9-уйда турувчи **Зоир Абдусаматович Назармуҳамедов**нинг Кисловодск кўчаси, 5-уйда турувчи Нортожи Назармуҳамедова-Мирзабоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қури лиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 10094. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётнинг босмахонаси. Нашр. А. 1872.